

**Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги
Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023-йил 1-ярим йилликка мўлжалланган
ИШ РЕЖАСИ ижроси юзасидан
МАЪЛУМОТ**

Т/р	Устувор вазифалар. Ўрганиладиган масалалар мавзуси.	Ижро муддати	Бажарилган ишлар
Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ва ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўлими			
1.	<p>“Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш чораларини кўриш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1. Уйма-уй юриш орқали сўровнома-анкеталарни тўлдириш, “Аёллар дафтари”га киритиладиган хотин-қизларнинг тоифаларини белгилаш, индивидуал дастур ва “Йўл хариталари”ни тузишда ҳудудий бўлинмалар ва маҳалла хотин-қизлар фаолларига амалий-услубий кўмаклашиш.</p> <p>2. “Аёллар дафтари” платформасини хотин-қизларга амалий ёрдамларни кўрсатишга масъул вазирлик ва идораларнинг электрон тизимлари билан интеграция қилиш ишларини яқунлаш.</p> <p>3. “Аёллар дафтари”даги тоифалар бўйича амалий ёрдамлар кўрсатиш ишларини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни аниқлаш ва ҳал этиш чораларини кўриш.</p> <p>4. Жойларга чиққан ҳолда ва платформа орқали кўрсатилаётган амалий ёрдамларни ўрганиш.</p> <p>5. Ўрганиш натижалари асосида “Аёллар дафтари” билан ишлаш тизими бўйича жойларда аниқланган муаммоларни масъуллар иштирокида муҳокама қилиш ва ҳал этиш чораларини кўриш.</p> <p>6. Амалга оширилган ишлар ва ўрганиш</p>	<p>январ-феврал</p> <p>январ-феврал</p> <p>январ-феврал</p> <p>белгиланган муддатларда режа-график асосида белгиланган муддатларда</p> <p>ҳар чоракда</p>	<p>“Аёллар дафтари”нинг 4-босқичини шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 31 мартдаги “Хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 145-сон қарорига асосан 30 ёшдан ошган 7,7 млн нафар хотин-қизлар хатловдан ўтказилиб, 1 млн. 680 нафари “Аёллар дафтари”га киритилди. Дафтарга киритилган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг муаммоларини бартараф этишга қаратилган манзилли рўйхатлари, “Индивидуал дастурлар” ва 208 та туман(шаҳар) “Йўл хариталари” Халқ депутатлари туман/шаҳар Кенгашларига киритилди ва сессияларда тасдиқланди.</p>

	<p>натижалари юзасидан Республика комиссияси йиғилишларига материал тайёрлаш.</p>	<p>бир марта</p>	
<p>2.</p>	<p>Маҳалла хотин-қизлар фаоллари учун оилаларга ижтимоий хизматларнинг кўрсатилишини ташкил этиш бўйича ўқув семинарларини ўтказиш.</p> <p>1. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан ўқув семинари дастури, тарғибот ва кўргазмали ўқув материаллари, шунингдек ўқувларни ташкил этиш ва ўтказиш режа-графикларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Режа-график асосида анъанавий ва масофавий ўқув семинарлари ўтказилишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириб бориш.</p> <p>4. Ўқувларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p> <p>5. Ўқувлар якуни бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлаш.</p>	<p>феврал</p> <p>феврал</p> <p>март ойидан бошлаб ҳар чоракда бир мартаба</p> <p>ҳар чорак якунида</p>	<p>Мазкур топшириқ ижроси бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Болалар жамғармаси (Юнисеф) билан ҳамкорликда 3 марта раҳбарлар даражасида, 4 марта ишчи гуруҳлар иштирокида учрашувлар ўтказилди. Республика болалар ижтимоий мослашуви марказида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бошқарма ва бўлимлари раҳбарлари ҳамда мутахассислари учун (жами 30 нафар) “Ижтимоий хизматларни кўрсатишда ижтимоий иш амалиётини қўллаш асослари” мавзусида республика ўқувлари ташкил этилди.</p> <p>Ўқувлар давомида хотин-қизлар фаолларининг ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вазиятини индивидуал баҳолаш, ҳар бир оилани индивидуал ижтимоий ҳимоя қилиш режасини ишлаб чиқиш, маҳаллаларда комплекс ёндашув асосида ижтимоий хизматларни ташкил этиш бўйича билим, кўникма ва малакалари оширилди ҳамда ўқувлар якунида тренинг учун тренерлар (ТОТ) танлаб олинди.</p> <p>Маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларининг “Маҳаллада ижтимоий хизмат” модулида ишлаш бўйича билим ва амалий кўникмаларни шакллантириш мақсадида ҳамкорликда ўқув дастурлари, ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилди ҳамда 9442 та маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари учун ўқувлар ташкил этилди.</p> <p>Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар оила ва хотин-</p>

		<p>қизлар бошқармалари томонидан ПҚ-300-сон қарорнинг мазмун ва моҳияти, аҳамияти ҳамда белгиланган вазифаларини амалга оширилаётгани бўйича оммавий ахборот воситаларида, кенг ёритилганлиги, хусусан телеканаллар орқали 290 та, радио эшиттиришларда 272та, босма нашрларда 278 та, расмий телеграм каналларида 2390 та ва веб-саҳифаларда 397 та, фейсбук ижтимоий тармоғида 1685 та кўрсатув, лавҳа, эшиттириш, хабар, мақола ва таҳлилий маълумотлар кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилган.</p> <p>Маҳаллаларда мазкур тизимни жорий қилишни мувофиқлаштириш бўйича республика, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри (жами 14 та) ва 208 та туман (шаҳар)лар штаблари ташкил этилди.</p> <p>“Маҳаллада ижтимоий хизмат” автоматлаштирилган махсус электрон модули ишлаб чиқилди ва электрон дарслик яратилди;</p> <p>“Маҳаллада ижтимоий хизмат” модулида ишлаш бўйича хотин-қизлар фаолларининг билим ва амалий кўникмаларини доимий равишда ошириб бориш мақсадида 456 нафар (худудий бошқармаларнинг 26 нафар, туман (шаҳар) бўлимларининг 220 нафар масъул ходимлари, 210 нафар хотин-қизлар фаоллари) худудий тренерлар тайёрланди;</p> <p>Республикадаги 9442 та маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари планшетлар билан таъминланди.</p> <p>Бугунги кунга қадар “Маҳаллада ижтимоий хизмат” автоматлаштирилган махсус электрон модули орқали маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан 26 минг 759 та оилалар ўрганилди, жами 2 минг 425 та ижтимоий хизматларга эҳтиёж аниқланди, шундан 1623 та масала ҳал этилган.</p>
--	--	--

<p>3.</p>	<p>Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни жарроҳлик йўли билан соғлом ҳаётга қайтариш чораларини кўриш.</p> <p>1. Жарроҳлик йўли билан соғлом ҳаётга қайтаришга муҳтож бўлган оғир ижтимоий вазиятдаги, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Рўйхатга киритилган хотин-қизларнинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашиш, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни ажратиш.</p> <p>3. Рўйхатга киритилган хотин-қизларнинг тегишли ҳужжатларини расмийлаштиришга кўмаклашиш, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳисобидан зарур маблағларни ажратиш.</p> <p>4. Ушбу йўналишда чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш.</p>	<p>январ-июн</p> <p>белгиланган муддатларда</p> <p>ҳар чоракда</p>	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 137 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизларга жарроҳлик амалиётлари ва даволаниш харажатлари учун жами 35,5 млрд. сўмлик маблағ йўналтирилди.</p>
<p>4.</p>	<p>Оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларни реабилитация воситалари билан таъминлаш.</p> <p>1. Реабилитация воситалари билан таъминлашга эҳтиёжи бўлган, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган, шу жумладан, ногиронлиги бўлган кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларнинг рўйхатларни шакллантириш.</p> <p>2. Талабгорларнинг рўйхатларини Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли</p>	<p>март-июн</p> <p>белгиланган муддатларда ҳар чоракда</p>	<p>Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан 8 минг нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар жами 9,9 млрд. сўмлик реабилитация воситалари билан таъминланди.</p>

	<p>жамғармасига юбориш.</p> <p>3. Ажратилган реабилитация воситаларини жойларга етказиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга ошириш.</p>		
6.	<p>Уй-жойга муҳтож нотурар жойларда яшаётган ва эҳтиёжманд, “Аёллар дафтари”га киритилган хотин-қизларнинг уй-жой шароитларини яхшилаш.</p> <p>1. “Аёллар дафтари” тизими орқали:</p> <p>2. Хотин-қизларга турар-жой ижара тўлови бўйича компенсациялар тўлаш бўйича ҳужжатларини расмийлаштириш.</p> <p>3. Хотин-қизларни ижтимоий ижара шартлари асосида ижтимоий уй-жойларга жойлаштириш.</p> <p>4. Амалга оширилаётган ишлар мониторингини юритиш</p>	<p>март-июн</p> <p>январ</p> <p>-март</p> <p>ҳар чоракда бир марта</p>	<p>Аёллар дафтарига киритилган уй-жойга муҳтож эҳтиёжманд хотин-қизларнинг 7508 нафарига ёрдам кўрсатилган. Шундан, 822 нафари уй-жой билан таъминланган, 6653 нафарига ижара компенсацияси тўлаб берилди.</p> <p>Шундан: 199 нафарига ижара шартлари асосида ижтимоий уйларга жойлаштирилди.</p>
Хотин-қизлар ўртасида илм-фан, инновацияларни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтлари ва бошланғич ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш бўлими			
8.	<p>“Машинасоз аёллар – 2023”, “Дастурчи аёллар – 2023”, “МЕДИСАЛWOMEN.УЗ-2023” форумларини ташкил қилиш ва ўтказиш.</p> <p>1. Форум ташкил қилинадиган жой, кун вақтни аниқлаш;</p> <p>- Форумда иштирок этадиган хотин-қизларнинг маърузаларини қабул қилиш ҳамда маърузалар тўпламини шакллантириш;</p> <p>- Форум дастурини ишлаб чиқиш.</p> <p>- Тадбирни юқори савияда ташкил қилиш ва ўтказиш.</p> <p>3. Форумни ОАВлар ҳамда ижтимоий тармоқлар орқали ёритилишини йўлга қўйиш.</p>	<p>феврал</p> <p>феврал,</p> <p>апрел</p> <p>белгиланган муддатда</p>	<p>Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат 22 кишилик ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди. Ҳафталик концепсияси ва тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Тадбирларни манзилли ва сифатли ташкил этиш, уларнинг ижросини таъминлашда мутасаддилар масъулиятини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 февралдаги №4 сон баёни ва 51 та банддан иборат чора-тадбирлар режаси тасдиқланди ҳамда ижрога қаратилди ва қуйидаги ишлар амалга оширилди:</p> <p>1. Хафталикни жойларда сифатли ва самарадор ўтказиш мақсадида, мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул раҳбарлари ҳудудларга бириктирилиб, республика, вилоят ва туман (шаҳар)лар кесимида 223 та ташкилий қўмиталар шакллантирилди.</p>

			<p>2) ҳафталикни ўтказиш доирасида 24 574 нафар олима ва оқила аёллар, 19 880 нафар раҳбар аёллар, 268 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари жалб этилди;</p> <p>3) 3 997 та маҳаллалар кесимида академик аёллар ҳамда 31 нафар илм-фан йўналишида “Ўзбекистон Қаҳрамони” бўлган аёллар, 692 нафар нафақадаги ҳамда фаолият кўрсатиб келаётган олима аёлларнинг рўйхатлари шакллантириб, уларнинг ҳолидан хабар олинди. Ўтказилган байрам тадбирларига таклиф этилди;</p> <p>4) “Янги Ўзбекистон боғи”га 288 маротаба, ҳудудлардаги музейлар, зиёратгоҳ ва қадамжоларга 1 602 маротаба саёҳатлар ташкил этилди ва уларга жами 24 223 нафар илм-фан билан шуғулланаётган хотин-қизлар жалб этилди;</p> <p>5) 29 073 нафар олима аёллар учун имтиёзли асосда 3 338 та театр, музей, концертларга ташрифлари ташкил этилди;</p> <p>6) 1 738 нафар олима аёллар ҳамда илм-фан соҳасидаги турли кўрик-танловларда, олимпиадаларда ғолиб ва совриндор бўлган хотин-қизлар, 287 нафар инновасион лойиҳа яратган ногиронлиги бор иқтидорли қизлар рағбатлантирилди;</p> <p>7) олима аёлларни қўллаб-қувватлаш, хотин-қизлар учун илм-фан билан шуғулланишлари борасида яратилган имтиёз ва имкониятлар ҳақидаги китоб ва рисоаларнинг 1050 та тақдимотлари ўтказилди (<i>23 754 нафар хотин-қизлар иштирок этди</i>);</p> <p>8) олима аёлларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини ёритишга, Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган олима аёллар ва жаҳон илм-фанига катта ҳисса қўшиб келаётган хотин-қизларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этишга қаратилган, шунингдек</p>
--	--	--	---

			<p>илм-фан соҳасидаги турли халқаро кўрик-танловларда, олимпиадаларда ғолиб ва совриндор бўлган хотин-қизлар, инновасион лойиҳа яратган ногиронлиги бор иқтидорли қизларнинг фаолияти ҳақида 1098 та филмлар ва кўрсатувлар, 552 та радиоешиттиришлар, 1636 та ижтимоий роликлар намоёиши ташкил этилди, 222 та мақолалар тайёрланди ва нашр этилди;</p> <p>9) мамлакатимизнинг энг чекка ва олис ҳудудларида, шу жумладан Сўх туманида 12 888 нафар ўқувчи қизлар ўртасида ўтказилган тадбирларга 527 та масъул раҳбарлар, йирик олимлар, олий ўқув юртлари ректорлари, олима аёллар, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари ҳамда илм-фан соҳасидаги турли кўрик-танловлар, олимпиадаларда ғолиб бўлган хотин-қизларнинг ташрифлари ташкил қилинди;</p> <p>10) ижтимоий тармоқларда 11 888 нафар хотин-қизлар иштирокида “Менинг кашфиётларим Ватаним тараққиёти учун хизмат қилади”, “Юрт тараққиётига менинг ҳиссам”, “Олим сифатида менинг вазифам ва жамоатчилик хабардорлигини оширишга ҳисса қўшиш” мавзуларида 437 та флешмоб ва челленж ўтказилди.</p>
9.	<p>“ИТ-Women.Уз-2023” дастурчи хотин-қизларнинг инновасион ҳафталигини ўтказиш ва “ИТ-Women.Уз” лойиҳаси доирасида барча ҳудудларда ташкил қилиниши режалаштирилган таълим дастурларига старт бериш.</p> <p>1. Ҳафталик ўтказиладиган жой, кун ва вақтни аниқлаш ва ҳафталик доирасида ўтказиладиган тадбирларда мутахассис сифатида иштирок этадиган олима аёллар ва ИТ компанияларда ишлаётган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳафталик дастурини ишлаб чиқиш; - бандлиги таъминланмаган ва имконияти чекланган 	феврал, март	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 3 февралдаги №4 сон баёни ва Чора-тадбирлар дастурида кўрсатилган топшириқларга асосан, 11 феврал – “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” муносабати билан жорий йилнинг 6-13 феврал кунлари ўтказилган ҳафталик доирасида олима аёллар ва илмий изланишлар олиб бораётган тадқиқотчи хотин-қизлар иштирокида, таълим муассасалари ва маҳаллаларда илмий-амалий ва маънавий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ва илм-фанга бўлган қизиқишларини оширишга қаратилган тадбирлар,</p>

	<p>хотин-қизлар учун офлайн ва онлайн шаклда махсус ўқув курслари ташкил қилиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - ҳафталик доирасида ўтказиладиган форум, семинар, ўқув машғулоти, давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирларда иштирок этадиган бандлиги таъминланмаган ва имконияти чекланган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш; - ҳафталик доирасида ўтказиладиган форум, семинар, ўқув машғулоти, давра суҳбатлари, учрашувлар ва бошқа тадбирларни белгиланган жойда ўз вақтида ташкил қилиш. <p>3. “ИТ Women.Uz” лойиҳаси доирасида режалаштирилган таълим дастурларига барча ҳудудларда старт бериш ва ўқув курсларини тасдиқланган ўқув режаси асосида ташкил қилиш.</p> <p>4. Ўқув курсларини муваффақиятли тугатган хотин-қизларга сертификат топшириш маросимларини ўтказиш.</p> <p>5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p>	<p>Март ойидан бошлаб режа асосида</p>	<p>андуман ва форумлар ташкил қилинди.</p> <p>Жорий йилнинг 13 феврал куни Тошкент шаҳридаги Инҳа университетида “Жамиятда илм-фан, технологиялар ва инновацияларнинг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида халқаро форум ўтказилди (<i>419 нафар юқори турувчи органлар, халқаро ташкилотлар, вазирлик ва идоралар вакиллари, олима ва оқила аёллар, Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибалари ҳамда Қизларжон клуби аъзолари иштирок этди</i>). Худудий студиялардан жами 1400 нафар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси ўринбосари, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосарлари, манфаатдор идора ва ташкилотларнинг масъул ходимлари, илмий тадқиқот институтларида ишлаётган аёллар, таълим муассасаларининг олима, докторант тадқиқотчи ва талаба хотин-қизлари иштирок этди.</p> <p>ТошДТУ да “Машинасоз аёллар – 2023” форуми ўтказилди. Форумда <i>150 нафардан зиёд</i> машинасоз олима ва ихтирочи аёллар ва талаба қизлар иштирок этишди.</p> <p>Тиббиётда замонавий тадқиқотлар ва олима аёлларнинг ютуқлари бўйича – “МЕДИКАЛWOMEN.UZ-2023” мавзусидаги форум Тошкент Тиббиёт академиясида ўтказилди ва унда 150 нафар олима ва тадқиқотчи шифокор аёллар ва талаба қизлар иштирок этишди.</p> <p>ИТ соҳасида хотин-қизларнинг ўрни оширишга қаратилган “Дастурчи аёллар -2023” форуми ТАТУ да ўтказилди ва унда 162 нафар хотин-қизлар иштирок этди, форум доирасида талаба қизлар томонидан яратган дастурий маҳсулотлар, веб сайт ва мобил иловаларнинг ҳам тақдимотлари ўтказилди ва ўқув курсларига старт берилди.</p>
<p>10.</p>	<p>Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг олима аёллари, умумтаълим</p>		<p>Бажарилди.</p>

<p>мактаблари ва академик лисейларнинг раҳбар ходимлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тарғибот тадбирларини ташкил қилиш.</p> <p>1. Тадбирларда иштирок этадиган ўқувчи қизларнинг рўйхатини шакллантириш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - тарғибот тадбирларининг намунавий дастурини тайёрлаш; - хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар ҳақида тарғибот материалларини тайёрлаш; - тадбир ўтказиладиган кун ва вақтни аниқлаш, графикларни ишлаб чиқиш. - Ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва материаллар асосида барча умумтаълим мактаблари ва академик лисейларда ўқувчи қизлар ўртасида тарғибот тадбирларини ташкил қилиш. <p>2. Тарғибот тадбирлари доирасида қатнашган хотин-қизлар ўртасида “Билимдон қизлар” мавзусида викторина ўтказиш.</p> <p>3. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p>	<p>феврал</p> <p>феврал-март</p> <p>март-май</p> <p>Тадбирлар доирасида</p>	<p>Тошкент Ахборот технологиялари университетида (ТАТУ) “ИТ-“Women.Уз-2023” ҳафталигини ўтказиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат 11 кишилик ташкилий қўмита таркиби шакллантирилди. Ҳафталик қилинадиган жойлар, кун ва вақт аниқланиб дастури ишлаб чиқилди. ТАТУда 23-28 апрел кунлари ҳафталик ўтказилди. “ИТ-Women.Уз-2023” ҳафталиги 23-27 май кунлари ТАТУда ўтказилди. Ҳафталик жоирасида 24 апрел куни ТАТУ да олима ва дастурчи аёллар ҳамда талаба қизларнинг ИТ бўйича ишланмаларининг кўргазмаси ва “Телекоммуникация соҳасининг долзарб муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий семинар ташкил қилинди. 25 апрел куни ТАТУ қошидаги академик лисей ўқувчи қизлари билан олима ва дастурчи аёлларнинг учрашуви ва “Фрилансерликка илк қадам ва даромадга чиқиш йўллари” мавзусидаги мастер класс, 26 апрелда Олима ва ИТ компанияларда ишлаётган аёлларнинг талаба қизлар билан “Рақамли технологиялар соҳасида ёшларга яратилган имкониятлар ҳамда келажакда муносиб касбга эга бўлиш юзасидан тавсиялар” мавзусидаги давра суҳбати, 27апрел куни “АКТ соҳасидаги хотин- қизларнинг ўрни” мавзусидаги форум ўтказилади. Форумда АКТ йўналишида илмий ишлар олиб бораётган 160 дан зиёд олима, докторант, тадқиқочи ва талаба хотин-қизларнинг илмий маърузалари муҳокама қилинди.</p> <p>Шунингдек “ИТ-Women.Уз” лойиҳаси доирасида режалаштирилган таълим дастурларига старт берилди ва ҳудудлардаги Хотин-қизлар тадбиркорлик</p>
--	---	---

			<p>марказлари ва Мономарказларда режа асосида ўқитилди. Навоий вилоятида “ИТ-Вомен.Уз-2023” дастурчи хотин-қизларнинг инновацион ҳафталиги ҳафталигини ўтказиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг ҳудудий бошқармалари ходимларидан иборат бўлган ташкилий қўмита таркиби шакллантирилди. Ташкилий қўмита томонидан ҳафталик ташкил қилинадиган жой ва кунлар аниқланди. Учрашув ва тадбирларда мутахассис сифатида иштирок этадиган олима аёллар, ИТ компанияларда ишлаётган ҳамда тадбирларда иштирок этадиган хотин-қизлар, талаба ва ўқувчи қизларнинг рўйхати тайёрланди. Ҳафталикнинг дастури ишлаб чиқилди. Ҳафталик доирасида илмий-амалий семинар, кўргазма, мастер клас, учрашув, давра суҳбати ўтказилди ва таълим дастурларига старт берилди.</p>
<p>11.</p>	<p>Амалий инновацион лойиҳалар бўйича “Олима аёл” ва “Бўлажак олим” танловлари доирасида ўтказиладиган “Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танловида хотин-қизларнинг фаол иштирок этишларини ташкил қилиш.</p> <p>1. Хотин-қизлар ўртасида “Аёллар бизнеси учун биринчи қадам” танлови ва унда иштирок этишнинг аҳамияти ҳақида тушунтириш-тарғибот тадбирларини ташкил этиш.</p> <p>2. Танловда иштирок этишни режалаштирган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш ва улар учун лойиҳаларни тайёрлаш бўйича ўқув семинарларини ўтказиш</p>	<p>феврал-март</p> <p>март</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Тарғибот тадбирлари ташкил қилиш юзасидан барча ҳудудларда мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар таркиби шакллантирилди. Ишчи гуруҳлар томонидан ҳудудлардаги олима аёллар ҳамда умумтаълим мактаблари ҳамда лисейларнинг раҳбар ходимлари ва тадбирларда иштирок этадиган ўқувчи қизларнинг рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Ўтказиладиган тадбирнинг намунавий дастури ва хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тарғибот материаллари тайёрланди. Тарғибот тадбирларини ўтказиш бўйича режа-графиклар ишлаб чиқилди. Олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларининг олима аёлари, умумтаълим мактаблари ва академик лисейларнинг раҳбар ходимлари билан ҳамкорликда мамлакатимизда хотин-қизлар таълимини қўллаб-қувватлаш бўйича берилган имтиёз ва имкониятлар</p>

			ҳақида 856 та тарғибот тадбирлари ташкил қилинди. Ўтказилган тадбирлар ОАВ ва ижтимоий тармоқда кенг ёритилди.
12.	<p>Маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида “Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз!” мавзусида давра суҳбатларини ташкил қилиш.</p> <p>1. Барча ҳудудлардаги олима аёллар ҳамда вилоят ва туман (шаҳар)лардаги “Оқида аёллар ҳаракати” аъзолари рўйхатини шакллантириш;</p> <p>- тадбирларни ўтказиш графикларини ва рўйхатга киритилган фаолларни маҳаллаларга бириктириш жадвалларини ишлаб чиқиш;</p> <p>- давра суҳбатини ўтказиш дастурини тайёрлаш;</p> <p>2. “Битта қиз болани ўқитсангиз – бутун оилани ўқитган бўласиз!” мавзусида тарғибот материалларини тайёрлаш;</p> <p>- тадбирда иштирок этадиган умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчи қизлари ва уларнинг ота-оналари рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган ҳужжатлар ва материаллар асосида барча маҳаллаларда умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчи қизлари ва уларнинг ота-оналари ўртасида давра суҳбатларини ташкил қилиш.</p> <p>3. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиш.</p>	<p>феврал-</p> <p>март</p> <p>март</p> <p>ойидан бошлаб режа асосида</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Танлов ўтказилаётганлиги ҳақида Ахборот хати тайёрлаб ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳудудий бошқармаларига туман (шаҳар) лардаги илмий даражага эга аёлларни ҳамда вазирлик, идораларга тизимидаги олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият юритаётган илмий даражага эга хотин-қизларнинг танловида фаол иштирок этишларини ташкил қилишлари юзасидан вазирлик, агентлик ва идоралар ҳамда қўмитанинг ҳудудий бошқармаларига 2023 йил 27 март куни 02/01/293, 02/01/294, 02/01/295-сонли хатлар юборилди. Танловда иштирок этиш юзасидан хотин-қизлар ўртасида тушунтириш-тарғибот тадбирларини ташкил этилди. Танловда иштирок этишни режалаштирган хотин-қизлар учун лойиҳаларни тайёрлаш бўйича ҳудудларда 19 та ўқув семинари ўтказилиб, 1482 нафар олима аёллар иштирок этишди</p>
13.	<p>“Ўзбекистон олималари” веб-сайтини яратиш бўйича ишчи гуруҳини шакллантириш.</p> <p>Ишчи гуруҳи томонидан:</p> <p>веб-сайтни яратиш юзасидан техник шартларни ишлаб чиқиш;</p> <p>сайтга жойлаштириладиган маълумотларни тайёрлаш;</p> <p>“Ўзбекистон олималари” веб-сайтига маълумотларни жойлаштириш ва мунтазам равишда янги маълумотлар</p>	<p>март</p> <p>март</p> <p>-ийун</p> <p>ойидан бошлаб мунтазам равишда</p>	<p>Бажарилди.</p> <p>Барча ҳудудларда давра суҳбатларини ташкил қилиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳ таркиби шакллантирилди. Ишчи гуруҳ томонидан барча ҳудудлардаги олима аёллар ҳамда вилоят ва туман (шаҳар)лардаги “Оқида аёллар ҳаракати” аъзоларининг рўйхатини</p>

	билан тўлдириб бориш.		шакллантириш, тадбирларни ўтказиш графиклари ва рўйхатга киритилган фаолларни маҳаллаларга бириктириш жадваллари ишлаб чиқилди. Давра суҳбатини ўтказиш дастури тайёрланди. Тадбирда иштирок этадиган умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчи қизлари ва уларнинг ота-оналари рўйхатлари шакллантирилди. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчи қизлари ва ота-оналари ўртасида 749 та давра суҳбатлари ташкил қилинди. Ўтказилган тадбирлар ОАВ ва ижтимоий тармоқда кенг ёритилди.
14.	<p>Хотин-қизларни замонавий билимлар ва касб-хунар эгаси бўлишлари ҳамда олий маълумотли аёллар сафини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий фаолликларини ошириш мақсадида “Илмли аёл – жамият кўзгуси” шиори остида “XXI аср аёли” хотин-қизлар фестивалини ўтказиш.</p> <p>1. Республика ташкилий қўмитаси томонидан:</p> <p>фестивални ташкил этиш ва ўтказиш концепсияси лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2. Барча ҳудудлардан фестивалда иштирок этадиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш;</p> <p>3. Фестивал доирасида ўтказиладиган форум, семинар, викторина, кўргазма, давра суҳбатлари, учрашув ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этадиган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш.</p> <p>4. Фестивални юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p>	<p>март</p> <p>апрел-май</p> <p>алоҳида режа асосида</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>“Ўзбекистон олималари” веб-сайтини яратиш бўйича ишчи гуруҳ шакллантирилди.</p> <p>Ишчи гуруҳи томонидан веб-сайтни яратиш юзасидан техник шарт ишлаб чиқилмоқда, сайтга жойлаштириладиган маълумотлар тайёрланмоқда.</p>
15.	<p>“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Оналар яшил макон учун” акциясини барча ҳудудларда ўтказиш ва “Оналар боғлари”ни ташкил қилиш.</p> <p>1. “Оналар яшил макон учун” акциясини барча туман</p>	<p>Акцияларни ўтказиш –</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>“XXI аср аёли” хотин-қизлар фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 34-сон Баёни</p>

	<p>(шаҳар)ларда, маҳаллаларда ўтказиш.</p> <p>2. Акция доирасида хотин-қизлар иштирокида маҳаллаларда:</p> <p>3. ички кўчалар, майдонлар ва кўп қаватли уйлар олдидаги бўш ерларга, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг томорқа ерларида манзарали ҳамда мевали дарахтлар, гул кўчатлари ва райҳонлар экиш;</p> <p>4. кам таъминланган оилалардаги хотин-қизларнинг доривор ўсимликлар экиш ва парвариш қилиш орқали бандлигини таъминлаш ишларини ташкиллаштириш.</p> <p>3. Туман ва шаҳарларда “Оналар боғлари”ни ташкил қилиш.</p> <p>4. Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида қизлар ўртасида “Оналар яшил макон учун” акциясининг маънавий аҳамияти ҳақида” давра суҳбатларини ўтказиш.</p> <p>5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>март-май ва октябр- декабр ойлари</p>	<p>ижрога йўналтирилди. Фестивални ўтказиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат бўлган республика ва ҳудудий ташкилий қўмиталар шакллантирилди. Республика ташкилий қўмитаси томонидан фестивални ташкил этиш ва ўтказиш концепсияси лойиҳасини ишлаб чиқилди, барча ҳудудлардан фестивалда иштирок этадиган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди, фестивал доирасида ўтказиладиган форум, семинар, викторина, кўргазма, давра суҳбатлари, учрашув ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этадиган хотин-қизларнинг рўйхати шакллантирилди, ҳудудлар кесимида Форум ўтказиладиган олий таълим муассасалари аниқланди. Мусобоқа ва танловларни ўтказиш бўйича низом ишлаб чиқилди.</p>
<p>16.</p>	<p>Хотин-қизлар ўртасида илмий ва стартап ғояларини рўёбга чиқариш кўникмаларини шакллантириш, уларни илмий-инновасион фаолиятга кенг жалб этиш, олима ва тадбиркор аёллар сафини ошириш мақсадида “ИННОВОМЕНWEEK” – ихтирочи хотин-қизларнинг инновасион ҳафталигини ўтказиш.</p> <p>1. Ҳафталик доирасида ташкил қилинадиган тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этишлари ҳақида тарғибот ишларини ташкиллаштириш;</p> <p>2. Ҳафталикни ташкил этиш ва ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш; мамлакатимизнинг 14 та ҳудудида ҳафталик ўтказиладиган жойларни аниқлаш;</p> <p>3. Ҳафталикда иштирок этадиган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш;</p> <p>4. Ҳафталикни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>5. Ҳафталик доирасида ташкил қилинадиган</p>	<p>Апрел</p> <p>Май-ийун</p> <p>Ийул-сентябр</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Мамлакатимиз бўйлаб “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида “Ҳар бир хотин-қиздан – 5 туп ниҳол” шиори остида “Оналар яшил макон учун” акциясини барча туман (шаҳар) ларда, маҳаллаларда хотин-қизлар иштирокида ўтказиш ҳақидаги 2023 йил 14 март 04-01/66-сонли хат Қўмита томонидан ҳудудий бошқармаларга юборилди. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўрмон хўжалиги агентлиги ҳудудий бошқармалари билан ҳамкорликда хотин-қизларнинг фаол қатнашини ташкил қилинди. “Оналар яшил макон сари”, “Юртимиз жамолига оналар ҳиссаси”, “Онам эккан райҳонлар”, “Набирамга туҳфам”, “Яхшидан боғ қолади” каби шиорлар билан кўча йўл бўйларига, маҳаллалар ҳудудидаги бўш ва қаровсиз ер</p>

	тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.		майдонларига, кўп қаватли уйлар олдидаги бўш ерларга, шунингдек, боқувчисини йўқотган эҳтиёжманд хотин-қизларнинг томорқа ерларига манзарали ҳамда мевали дарахтлар, бута ва гулларнинг кўчатлари, доривор ўсимликлар ва райхонлар экиш ишлари амалга оширилди. “Оналар боғлари” ни барпо этиш ишлари давом эттирилиб 556 та янги “Оналар боғлари” ташкил этилди ва республика бўйича улар сони 1 059 тага етди.. Маҳаллаларда ва таълим муассасаларида қизлар ўртасида “Оналар яшил макон учун” акциясининг маънавий аҳамияти ҳақида 439 та давра суҳбатларини ўтказилди. Тадбирлар ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди.
17.	<p>“Фан ва техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида хотин-қизлар форумини ўтказиш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Худудлар кесимида Форум ўтказиладиган олий таълим муассасаларини аниқлаш; 2. Форумни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича намунавий дастурни ишлаб чиқиш; 3. Форумда ўз маърузалари билан қатнашадиган олимлар ва мутахассислар ҳамда иштирок этадиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш. 4. Форумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. 5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқлар орқали кенг ёритилишини йўлга қўйиш. 	<p>май</p> <p>июн-июл</p> <p>сентябр-октябр</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>Худудларида Ҳафталикни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат республика ва ҳудудий ташкилий кўмиталари шакллантирилди. Ҳафталик доирасида ташкил қилинадиган тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этишлари юзасидан тарғибот ишлари олиб борилмоқда.</p>
18.	<p>“Худуднинг 100 нафар ихтирочи аёли” ҳафталигини ўтказиш.</p> <p>Ҳафталикни ўтказиш бўйича Низом ва чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш;</p> <p>Ҳафталик доирасида ташкил қилинадиган тадбирларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этишлари ҳақида тарғибот ишларини ташкиллаштириш;</p> <p>Ҳафталикни ташкил этиш ва ўтказиш дастурини</p>	<p>июн</p> <p>июл-август</p> <p>сентябр-ноябр</p>	<p>Бажарилмоқда.</p> <p>“Фан ва техника тараққиётида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида хотин-қизлар форуми ни ўтказиш юзасидан ташкилий кўмита шакллантирилди. Форум 2023 йил 14 ноябр куни ТошДТУда ўтказиши ҳақида эълон берилди.</p>

	<p>ишлаб чиқиш; Ҳафталикда иштирок этадиган хотин-қизларнинг рўйхатини шакллантириш; Ҳафталикни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. Ҳафталик доирасида ташкил қилинадиган тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>		
	<p>Меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўртасида спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси волейбол каби турлари бўйича спорт мусобақаларини ташкил этиш.</p> <p>1. Ишчи гуруҳи томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – меҳнат жамоаларида хотин-қизлардан иборат спорт жамоаларини шакллантиришга доир тавсияларни; – улар ўртасида шахмат, шашка, стол тенниси волейбол каби турлари бўйича спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир низомлар лойиҳаларини; – спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ўтказишга доир чора-тадбирлар режаси ва графикларни ишлаб чиқиш. <p>2. Хужжатларни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш ҳақида вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори ҳамда ҳамкорлик меморандумларини қабул қилиш.</p> <p>3. Спорт мусобақаларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>январ феврал</p> <p>март</p> <p>март ойидан бошлаб режа асосида йил мобайнида</p>	<p>Ўзбекистон Волейбол федерацияси билан ҳамкорликда меҳнат жамоаларида фаолият олиб бораётган аёллар ўртасида Спортнинг волейбол турини оммалаштириш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Жорий йилнинг 31 май куни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлигига ҳамкорлик Меморандуми лойиҳасини ишлаб чиқиш ва бу борада тегишли таклиф ва мулоҳазаларини юбориш бўйича Қўмитанинг 02-01/678-сонли хати юборилди.</p> <p>Жорий йилнинг 15 март куни Хотин-қизлар ўртасида спортнинг Шахмат, шашка, стол тенниси ва волейбол турлари бўйича спорт мусобақаларини ташкил этиш юзасидан жами 95 та вазирлик ва идораларга 02-01/239-сонли хат юборилган.</p> <p>15 май – Оила куни муносабати билан 18 та вазирлик, идора, ташкилот ходимлари ва уларнинг оила аъзолари иштирокида Гимнастрада спорт фестивали ўтказилди. тадбирда 200 нафар ходимлар ва уларнинг оила аъзолари 18 та номинация бўйича иштирок этдилар.</p> <p>Шу кунга қадар, барча вазирлик, идора ва ташкилотларда спортнинг шахмат, шашка, стол тенниси ва волейбол каби турлари бўйича жами 1 276 мартаба мусобақалар ташкил этилди ва бунда 12 мингдан ортиқ хотин-қизлар иштирокчи сифатида қатнашдилар. Тадбирлар жойларда ОАВлари ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиб борилмоқда.</p>

	<p>Худудларни ўрганиш ҳамда хусусий секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарда хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларни ташкил этишга қўмаклашиш.</p> <p>1. Туман (шаҳар)лар миқёсида хусусий секторда фаолият кўрсатаётган корхоналар рўйхатини (унда ишлаётган хотин-қизлар сонини кўрсатган ҳолда) шакллантириш.</p> <p>2. Хусусий секторда фаолият кўрсатаётган ҳар бир корхонага хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларни ташкил этиш билан боғлиқ намунавий ҳужжатларни тақдим этиш ва уларни ташкил этишга услубий-амалий қўмаклашиш.</p> <p>3. Хусусий секторда фаолият кўрсатаётган корхоналарда хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар фаолиятини мониторинг қилиш.</p>	<p>январ</p> <p>феврал-июн</p> <p>мунтазам равишда</p>	<p>Жараён давом этмоқда.</p> <p>Республика бўйича тасарруфида 100 нафардан зиёд ходимлар фаолият юритиб келаётган жами 2 655 та хусусий корхона, ташкилот ва муассасалар рўйхати худудлар кесимида шакллантирилди. (Маълумот солиқ қўмитасидан олинди).</p> <p>Жорий йилнинг 1 июн куни Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари бошлиқларига шакллантирилган рўйхатга асосан хусусий секторларда хотин қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотини тузиш борасида Қўмитанинг 04-01/176-сонли топшириқ хати юборилди.</p> <p>Худудларга юборилган топшириқ хатига кўра хусусий секторларда бошланғич ташкилоти очиш юзасидан Қўмитага 15 май кунига қадар маълумот беришлари кўзда тутилган. Бунга мувофиқ хусусий секторларда фаолияти йўлга қўйилган бошланғич ташкилотлари юзасидан маълумотлар 15 май кунидан мониторинг қилинмоқда.</p>
	<p>Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳузурида “Лидер аёллар” марказини ташкил этиш.</p> <p>1. “Лидер аёллар” маркази Концепсияси, низоми ва чора-тадбирлар режаси лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Кўнгиллилардан иборат лидер аёллар рўйхатини шакллантириш ва уларни фаолият йўналишлари бўйича соҳаларга ажратиш.</p> <p>3. “Лидер аёллар” маркази фаолиятини самарали ташкил этиш.</p>	<p>январ-феврал</p> <p>феврал</p> <p>март ойидан бошлаб</p>	<p>Олий Мажлис Сенати Кенгаши ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қўшма мажлиси баёни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат сиёсатини 2023-йилда амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастурининг 37-бандини намунали ташкил этиш мақсадида халқаро ташкилотлар тажрибаси ўрганиб чиқилмоқда.</p> <p>“Лидер аёллар” маркази концепсияси, низоми ва чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, кўнгиллилардан иборат бўлган лидер аёллар рўйхатлари шакллантирилди.</p> <p>“Лидер аёллар” марказининг мақсади “Эзгу амал, эзгу ном” шиори остида ўзбек лидер аёллари имиджини</p>

			<p>дунёга танитишдан иборат.</p> <p>“Лидер аёллар” клуби концепсиясига кўра соҳалар кесимида сайёр қабул, халқаро саммит, бепул семинар, лидер аёллар тайёрлов курси, бизнесни ўргатиш, халқаро конференциялар ташкил этиш каби йўналишларга ажратилди.</p>
	<p>Корхона, ташкилот ва муассасалардаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотлар раислари учун ўқув семинарларини ташкил этиш.</p> <p>1. Семинарни ўтказиш дастури ва режа-графикини ишлаб чиқиш, тадбир мавзуларини соҳа йўналишлари бўйича белгилаш.</p> <p>2. Семинарларда меҳнат жамоаларида ходимларнинг оилаларни мустақамлаш, оилавий қадриятларга риоя этиш, фарзандларини миллий қадриятлар асосида тарбиялашдаги мажбуриятлари, қонунларга итоаткорлик ҳиссини шакллантириш масалаларини тарғиб қилиш кабиларга аҳамият бериш.</p> <p>3. Семинарларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>феврал</p> <p>феврал</p> <p>март</p>	<p>Меҳнат жамоаларида Хотин-қизлар масалалари бўйича Бошланғич ташкилотлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш, иш фаолиятини тўғри йўлга қўйиш борасида уларга кўмаклашиш юзасидан вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар, шунингдек, маҳаллий ҳокимликлар, тизим ташкилотлари, шунингдек уларнинг ҳудудий бошқарма ва бўлинмалари билан жойларда Конференция, семинар-тренинг, анжуман, давра суҳбатлари каби тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.</p> <p>Жумладан, бугунга қадар марказий муассасалар ҳамда уларнинг қуйи ҳудудлари, бошқарма ва бўлинмаларида 1236 мартаба турли даражадаги тадбирлар ўтказилди.</p> <p>Жумладан, жорий йилнинг феврал ойида Ўзбекистонни техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ҳамда “Ўзаеронавигация” Маркази давлат унитар корхонасида хотин-қизлар бўйича бошланғич ташкилот раис-ларининг семинар-тренинги бўлиб ўтди.</p> <p>Жумладан, 11 май куни Мудофаа вазирлигининг Жиззах полигоида ҳамда 19 май куни “Узкимёсаноат” АЖнинг Навоий вилоятидаги “Навоиязот” заводидаги 3 минг нафар хотин-қизлар иштирокида амалий семинар-тренинг ўтказилди.</p> <p>Меҳнат жамоаларининг иш режасига мувофиқ, семинар-тренинглар давом этмоқда.</p>
	<p>Давлат органлари ва ташкилотларида, хўжалик бирлашмаларидаги хотин-қизлар масалалари бўйича бошланғич ташкилотларнинг иш самарадорлигини</p>		<p>Республикадаги барча меҳнат жамоаларида бошланғич ташкилоти фаолиятини самарали йўлга қўйиш ишлари давом эттирилмоқда.</p>

	<p>аниқлаш ҳамда уларни доимий рағбатлантириб бориш мақсадида “Аёллар рейтинг платформаси”ни яратиш.</p> <p>1. Ишчи гуруҳи томонидан илғор хорижий тажриба (шу жумладан, Сингапур давлати тажрибаси) ва миллий қонунчилик талабларидан келиб чиқиб, платформа лойиҳасини ишлаб чиқиш.</p> <p>Бунда платформада меҳнат жамоаларида фаолият юритаётган хотин-қизлар учун қуйидагиларни белгилаш:</p> <ul style="list-style-type: none"> – никоҳнинг муқаддаслиги; – ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш; – оилавий низоларнинг олдини олиш; – аёлга, болаларга нисбатан зўравонлик ҳолатларини аниқлаш; – ёлғиз оналар ва уларни қўллаб-қувватлаш; – касбий салоҳиятли тутинган (фостер) оилаларни қўллаб-қувватлаш; – ногиронлиги бор оила аъзоларини аниқлаш ва уларга кўмак бериш; – муваффақиятли қариш бўйича ҳаракатлар режаси. <p>2. Платформага давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик бирлашмалари веб-сайтларини интеграция қилиш.</p> <p>3. Платформанинг тақдимотини ўтказиш ва ишга тушириш.</p>	<p>феврал</p> <p>март-май</p> <p>май-июл</p> <p>август</p>	<p>Ташкил этилган бошланғич ташкилотларининг ҳужжатлар тўплами – бошланғич ташкилоти раисининг обективкаси, тайинланганлик буйруғи, ўтказилган йиғилиш баёни ҳақидаги электрон маълумотлар базаси шакллантирилди.</p> <p>Бугунги кунга қадар вазирлик, идова ва ташкилотларнинг марказий муассасаларида ташкил этилган бошланғич ташкилотлари бўйича 100 % электрон маълумотлар базаси мавжуд бўлиб, уларнинг ягона платформасини яратиш бўйича тартиб ишлаб чиқилмоқда.</p> <p>Жумладан, Республика тизимида фаолият юритаётган дастур билан яқиндан таниш бўлган энг фаол 7 нафар Бошланғич ташкилоти раисларидан иборат ишчи гуруҳ рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Жорий йил 26 май куни мазкур ишчи гуруҳнинг биринчи йиғилиши ўтказилди.</p> <p>Кўмита раисига тақдим этиш учун Дастур яратишга сарфланадиган маблағлар смета харажатлари лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p>
	<p>Таълим муассасаларининг талаба ва ўқувчи қизлари ўртасида “Ватан меҳри юрагимда” кўрик-танловини ўтказиш.</p> <p>1. Ишчи гуруҳи томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – кўрик-танлов низоми, уни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; – танлов ўтказиладиган таълим муассасалари рўйхатини шакллантириш; – танлов ўтказиш режа-графикини ишлаб чиқиш. <p>2. Ҳужжатларни тасдиқлаш ва ижрога қаратиш ҳақида вазирлик ва идораларнинг қўшма қарорини қабул қилиш.</p> <p>3. Танлов ҳақида таълим муассасаларининг талаба ва</p>	<p>феврал</p> <p>март</p> <p>март</p> <p>март</p> <p>апрел-май</p>	<p>Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда кўрик-танловнинг қўшма қарори ва низом лойиҳаси ишлаб чиқилди. Барча ҳамкор ташкилотлар томонидан кўрик-танловнинг қўшма қарори ва низоми тасдиқланиб, жорий йилнинг 26 апрел куни Қорақалпоғистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаларига хат юборилди. Вилоят, туман, шаҳар ташкилий комиссияси тузилиб, танловнинг 1-босқичи туман, шаҳарларда юқори савияда ўтказилди. Низомига мувофиқ, танловлар жорий йилнинг 30 май кунига қадар график асосида</p>

	<p>ўқувчи қизларини кенг хабардор қилиш.</p> <p>4. Кўрик-танловни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p>		<p>барча вилоятларда ҳудудий босқичлари якунланди.</p> <p>Кўрик-танловнинг якуний республика босқичини ўтказиш низоми, уни ташкил этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Танловнинг якуний Республика босқичини жорий йилнинг 12 апрел куни ИНХА Университетида ўтказилди.</p> <p>Унда ҳар бир ҳудуддан 5 нафардан иштирокчи ва бир нафар масъул жами 84 нафар иштирокчилар қатнашди.</p>
	<p>Оила ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари форумини ташкил этиш.</p> <p>1. Оила ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи ННТлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2. Форум дастури ва кун тартибини ишлаб чиқиш, ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш.</p> <p>3. Форумни Тошкент шаҳрида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>март апрел май май</p>	<p>Бугунги кунда юртимизда фаолият олиб бораётган 275 та оила ва хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи нодавлат нотижорат ташкилотларининг рўйхати шакллантирилди.</p> <p>Ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда форумни ўтказиш бўйича келишув ишлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 7-мартдаги “Оила ва хотин қизларни қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-87 Фармонига мувофиқ “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси, Оила ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси ҳамда Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда 2023-йил 23-августда Тошкент шаҳрида “Аёллар нодавлат нотижорат ташкилотлари форуми” ўтказилди.</p>
Соғлом оилани шакллантириш ва оилаларни мустаҳкамлигини таъминлаш, миллий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бошқармаси			
19.	<p>“Оила мустаҳкамлиги учун барчамиз масъулмиз!” шиори остида ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш, нотинч оилаларда муҳитни соғломлаштириш тадбирларини ташкил этиш.</p>	<p>январ</p>	<p>“Оила мустаҳкамлиги учун барчамиз масъулмиз!” шиори остида маърифатпарвар ва оқила аёллар иштирокида “Оила-муқаддас” шиори остида ёш ва низоли оила вакиллари билан 34 375 мартаба</p>

	<p>1. Ҳафтанинг ҳар шанба кунини “Оилаларни мустаҳкамлаш куни” сифатида белгилаш бўйича мутасадди вазирлик ва идораларнинг қўшма қарорини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш.</p> <p>2. “Оилаларни мустаҳкамлаш куни”да маҳаллалардаги Оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш комиссиялари томонидан ажрим ёқасида турган оилаларни яраштириш, нотинч оилаларда муҳитни соғломлаштириш чораларини кўриш амалиётини йўлга қўйиш.</p> <p>3. Оилаларни мустаҳкамлаш, уларда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган тарғибот-ташвиқот тадбирларини ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>ҳар ҳафтанинг шанба куни</p> <p>йил давомида</p>	<p>учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди;</p> <p>“Фаровон оила - келажак пойдевори” шиори остида оилаларни мустаҳкамлаш борасида 62 130 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, икки миллионга яқин иштирокчилар қатнашди. 26 788 маротаба ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритилди.</p> <p>“Менинг маҳалламда оилавий ажрим бўлмади”, “Ажрим якуний чора эмас” шиорлари остида “Фарзандингизни ота-она меҳрига зор қилманг” мавзуси билан оилаларни мустаҳкамлаш ойлиги эълон қилиниб, 17 727 та тадбирлар ўтказилди, уларга 387 099 нафар аҳоли қамраб олинди.</p> <p>Ойлик давомида яраштирилган оилалар сони 4 385 та, “Аёллар маслаҳат кенгаши” аъзолари бириктирилган оилалар- 5 175 тани ташкил этди.</p> <p>Маҳаллаларда оилавий ришталарни мустаҳкамлашга қаратилган “Балли қайноналар”, “Қайнонам онам - менинг, келиним - болам менинг”, “Маҳалламиз чеварлари”, “Эпчил келинчак”, “Ибратли хонадон бекаси”, “Қайин синглим (опам)-жон синглим”, “Келин ойим - дугонам”, “Ибратли қудалар” каби мавзуларда 1 500 га яқин давра суҳбатлари ўтказилди.</p> <p>Маҳаллалардаги уюшмаган қизлар ўртасида оилавий қадриятларни улуғлашга қаратилган 2 500 маротаба мақоллар, мушоиралар, баҳру байт айтишувлар ўтказилди.</p>
<p>20.</p>	<p>Оилаларда китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида “Китобхонлик оиладан бошланади: китобхон она – китобхон бола” ғоясини тарғиб қилиш.</p> <p>1. “Китобхонлик оиладан бошланади: китобхон она – китобхон бола” ғоясининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тарғибот материалларини ишлаб чиқиш; – оналарнинг фарзандларида китобга меҳр уйғотиш</p>	<p>Январ</p> <p>Январ-феврал</p>	<p>Оилаларда китобхонлик маданиятини юксалтириш мақсадида “Китобхонлик оиладан бошланади: китобхон она – китобхон бола” ғоясини тарғиб қилиш мақсадида Миллий кутубхона билан йўл харита ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.</p> <p>Ҳар ойнинг 17 санаси “Китобхон оналар куни” тадбирлари ўтказилиб борилмоқда. Шу кунга қадар</p>

	<p>бўйича оналар учун таъсирчан тавсияларни тайёрлаш; – юқоридаги ғояни маҳаллаларда ва мактабларда тарғибот тадбирларини ўтказиш графикларини ва намунавий дастурни ишлаб чиқиш; – маҳаллаларда электрон кутубхоналарни ташкил этиш механизмлари бўйича таклифлар тайёрлаш. 2. Тарғибот тадбирларини ёзувчи, адиблар иштирокида юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. 3. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>Феврал ойидан бошлаб режа асосида</p>	<p>7 мартаба ўтказилган шундай тадбирларда 180 дан ортиқ китоблар тақдимоти ўтказилди. 5 мингга яқин хотин-қизлар қамраб олинди. 2 005 нафар китобхон оналар кашф этилди. Маҳаллаларда 10 989 мартаба китобхонлик кечалари ташкил этилиб, уларга 380 957 нафар, 3 971 та китобхонлик ярмаркаларига 355 207 нафар хотин-қизлар жалб этилди. “Меҳр кутубхонаси” лойиҳаси доирасида Яккасарой туманидаги 25-сонли алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактабга сайёр тадбир; “Маҳалла-оила-кутубхона” лойиҳаси доирасида “Мутолаа оламидаги китобхон миллат” шиори остида Олмазор туманидаги “Себзор” маҳалласига сайёр тадбир; “Китобхон она-китобхон бола” лойиҳаси доирасига Янги ҳаёт тумани Гулшанобод маҳалласида сайёр тадбир; “Ёз ўтади соз” шиори остида Сергели туманидаги 300-мактаб қошида очилган “Янги авлод” оромгига сайёр тадбир. Жами тадбирлар сони: 16 та</p>
<p>21.</p>	<p>Ҳар ойнинг 17-санасини “Китобхон оналар куни” деб белгилаш ва ушбу кунни маҳаллаларда, оилаларда юқори савияда ўтказиш. 1. “Китобхон оналар куни”ни маҳаллаларда ва оилаларда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш; – “Китобхон оналар куни”ни маҳаллаларда ва оилаларда ўтказишнинг аҳамияти, шунингдек ҳар бир онанинг ўзи ўқиган асари ҳақида фарзандларига фикр-мулоҳазалар билдириш ва тақдимот қилиш зарурлиги ҳақида тарғибот материалларини тайёрлаш;</p>	<p>январ январ-феврал феврал</p>	<p>Ҳар ойнинг 17 санасида Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан анъанавий “Китобхон оналар” куни тадбирлари давом эттирилиб, ҳар бир тадбирда 200 нафарга яқин китобхон оналар, шу билан бирга турли идораларга кўплаб мурожаат этувчи аёллар иштирок таъминлаб борилди. Тадбирлар натижасида 2 000 нафардан зиёд уй бекалари бўлган китобхон оналар кашф этилди. Барча тадбирларда Ёзувчилар уюшмаси аъзолари иштирок этиб китобларини тақдимот қилиши, ва</p>

	<p>– ушбу кунни ўтказишда эътибор қилинадиган жиҳатлар ҳақида услубий тавсиялар ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ишлаб чиқилган материалларни маҳалла хотин-қизлар фаоллари, кўчабошилар, “Оқида аёллар ҳаракати” аъзоларига етказиш.</p> <p>4. “Китобхон оналар куни”ни маҳаллаларда ва оилаларда ўтказиш.</p> <p>5. “Китобхон оналар куни” Миллий кутубхонада очиқ эшиклар куни бўлишини белгилаш ва бу ҳақда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг тарғиб қилиш.</p>	<p>ҳар ойнинг 17-санасида</p>	<p>республиканинг барча маҳаллаларида ўтказилиши йўлга қўйилди.</p> <p>Доимий равишда оммавий ахборот воситаларида ва ижтимоий рамоқларда ёритилмоқда.</p>
<p>22.</p>	<p>Оилаларда соғлом турмуш тарзини таъминлаш, йигитларга оила бошлиғи масъулиятини сингдириш ва уларни оталикка тайёрлаб бориш ишларини такомиллаштириш мақсадида маҳаллаларда “Оталар мактаби” ва таълим муассасаларида “Йигитлар клуби” жамоатчилик тузилмалари фаолиятини йўлга қўйиш.</p> <p>1. Маҳаллаларда “Оталар клуби”, таълим муассасаларида “Йигитлар клуби” жамоатчилик тузилмалари ҳақида низомлар лойиҳалари;</p> <p>– тузилмаларнинг алоҳида намунавий йиллик иш режалари;</p> <p>– тузилмаларни шакллантириш бўйича тадбирлар режа-графикини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Хужжатларни вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори асосида расмийлаштириш ва ижрога қаратиш.</p> <p>4. Намунавий низомлар ва иш режалари асосида “Оталар мактаблари”, “Йигитлар клублари”нинг низомлари ва режалари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиб, амалиётга жорий этилишига ҳамда улар фаолияти самарали йўлга қўйилишига услубий қўмаклашиш.</p> <p>5. “Оталар мактаблари”, “Йигитлар клублари” фаолиятини мониторинг қилиш.</p>	<p>январ-феврал</p> <p>феврал</p> <p>феврал-март</p> <p>ҳар чоракда</p>	<p>Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, оилалардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш, маҳаллаларда ёшларга оила бошлиғи масъулиятини сингдириш ва оталикка тайёрлаб бориш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида 2022 йилда тасдиқланган маҳалла фуқаролар йиғини ҳузурида “Оталар мактаби” жамоатчилик тузилмасини ҳамда таълим муассасаларида “Йигитлар клуби”ни ташкил этиш тўғрисида қўшма қарор асосида иш олиб борилмоқда.</p> <p>Маҳаллаларда “Оталар мактаби” жамоатчилик тузилмаси низоми, таълим муассасаларида “Йигитлар клуби” тўғрисидаги низом тасдиқланди.</p> <p>2022-2023 ўқув йили давомида таълим ташкилотларида ташкил этилган “Йигитлар клублари” ўқувчи-ёшлари учун жами 12 598 та тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди.</p> <p>Унда оилаларда соғлом муҳитни яратишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Шу билан бирга, маънавий қўмакка муҳтож, тарбияси оғир, нотинч оиладаги йигитлар учун видео дарс машғулотлари орқали тушунча ва тавсия берилди.</p> <p>Шунингдек, вазирлик тасарруфидаги ўқувчиларни касб-хунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази</p>

			<p>томонидан “Ўзбекистон ёшлари – соғлом турмуш тарзи тарафдорлари” мавзусида тренерлар учун ўқув-услубий қўлланма (йигитлар учун) ишлаб чиқилди.</p> <p>Қўлланмада “Жисмоний фаоллик”, “Шахсий гигиена”, “Соғлом овқатланиш”, “Кашандалик, гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик асоратлари”, “Балоғат ёши”, “Эмосия ва ҳиссиётлар”, “Ўсмир йигитлар репродуктив саломатлиги” каби мавзулар қамраб олиниб, “Йигитлар клуби” аъзолари ва ўқувчи ёшларга малакали тавсия ва тушунчалар етказилди.</p> <p>Маҳаллаларда ташкил этилган “Оталар клуби” аъзолари томонидан ёшларни тўғри йўлга бошлаш, эркакнинг масъулияти борасида 1 300 дан зиёд тушунтиришлар, суҳбатлар, учрашувлар ўтказилди.</p>
23.	<p>Мамлакатимизда оилалар ва хотин-қизларга психологик хизматлар кўрсатиш қамровини кенгайтириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида “Психологлар кенгаши” ни тузиш.</p> <p>1. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан “Психологлар кенгаши”ни ташкил этишга доир ҳужжатлар (Низом, кенгаш таркиби, иш режаси кабилар) лойиҳаларини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Кенгашни белгиланган тартибда тузишга ҳамда фаолиятини самарали йўлга қўйишга қўмаклашиш.</p>	<p>январ-феврал</p> <p>март</p>	<p>Белгиланган вазифа доирасида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва Ўзбекистон психологлари ассоциацияси билан биргаликда қўшма чоратадбирлар режаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Унга биноан Маҳалла хотин-қизлар фаолларининг оилалар билан ишлашда низоли вазиятларнинг олдини олиш, хотин-қизларга ижтимоий-психологик ёрдамлар кўрсатиш жараёнларини ташкил этиш юзасидан режа белгиланди.</p> <p>9 442 та маҳаллалардаги хотин-қизлар фаолларини қамраб олган ҳолда ҳар бир ҳудуд учун тақсимот режа-графиклари ишлаб чиқилди;</p> <p>Семинар-тренингларни ўтказиш учун Ўзбекистон психологлари ассоциацияси томонидан соҳавий йўналиш бўйича малакага эга ва тажрибали 51 нафар психологлар жалб этилди ва улар тақсимот режа-графиклар асосида ҳудудларга бириктирилди.</p>
24.	<p>Маҳаллаларда уй бекалари ва қизлар, шу жумладан, ўқувчи қизлар ўртасида “Маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли” мавзусида тарғибот тадбирларини</p>	<p>январ</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёллар рўйхати шакллантирилган.</p>

	<p>ўтказиш.</p> <p>1. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат бўлган республика ва ҳудудий, туман (шаҳар) ташкилий қўмиталарни тузиш.</p> <p>2. Республика ташкилий қўмитаси томонидан “Маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли” номли китоб лойиҳасига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Туман (шаҳар) ташкилий қўмиталари томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – маҳаллалардаги маърифатпарвар аёлларнинг рўйхатини шакллантириш ва уларнинг ибратли ҳаёт йўлини ўрганиш; – ўрганиш натижалари бўйича республика ташкилий қўмитаси тасдиқлаган талаблар асосида туман (шаҳар)даги “Маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли” номли китобни тайёрлаш ва чоп этиш. <p>4. Ҳар бир маҳаллада уй бекалари ва қизлар, таълим муассасаларида ўқувчи қизлар ўртасида “Маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли” мавзуси бўйича маънавий-маърифий тадбирларни ўтказиш.</p> <p>5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>январ</p> <p>феврал- март</p> <p>март ойидан бошлаб режа асосида</p>	<p>Рўйхат бўйича Нодирабегим, Зулфия Исроилова, Саида Зуннунова, Суйима Ганиева, Мухтарама Улуғова, академикларимиздан Азимжоновна Сабоҳат Азимжоновна, Ходжинова Мақсуда Агзамовна, Абдулхужаева Маликаларнинг юбилей саналари нишонланди.</p> <p>Бундан ташқари ҳамкорликда маҳалла, мактаб ва бошқа ташкилотларда Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этиш мақсадида 750 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди.</p> <p>Жумладан жорий йилнинг 5 май санасида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан ҳамкорлигида Тошкент шаҳаридаги “Пучон” университетига таниқли адиба, шоира Саида Зунунованинг хотирасига бағишлаб “Асрларга татиган умр” мавзусида конференция бўлиб ўтди.</p> <p>Шунингдек, 9 май - Хотира ва қадрлаш куни муносибати билан республика бўйлаб Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 150 дан зиёд маърифатпарвар аёлларга бағишланган Хотира турнурлари ўтказилди.</p> <p>Оммавий ахборот воситаларида 140 га яқин интервью, 50 дан ортиқ мақола эълон қилинди, радиоешиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаб, эфирга узатилди.</p>
25.	<p>Маҳаллаларда “Бувижонлар маърифати” мавзусида маънавий тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>1. Маҳаллаларда ушбу тадбирни ўтказиш бўйича услубий тавсиялар ва туман (шаҳар)нинг намунавий режа-график лойиҳасини ишлаб чиқиш, ҳамда уларни ҳудудлардаги масъулларга етказиш.</p> <p>2. Ҳар бир маҳаллада режа-график асосида соҳалар кесимида жонкуяр нуроний онахонлар иштирокида қўйидаги мавзуларда очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари,</p>	<p>январ-феврал</p> <p>март ойидан бошлаб режа асосида</p>	<p>“Бувижонлар маърифати” мавзусида маънавий маърифий тадбирларни ташкил этиш бўйича соҳалар кесимида жонкуяр нуроний онахонлар иштирокида “Кекса шифокор – миллат соғлиғига мададкор” мавзусида ёши улуғ шифокорлар; “Адолат тарозисини маҳкам тутиб” мавзусида нафақада бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари? “Гўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси” мавзусида қурувчи-</p>

	<p>учрашувлар ўтказиш:</p> <ul style="list-style-type: none"> - “Кекса шифокор — миллат соғлиғига мададкор” мавзусида ёши улуг шифокорлар; - “Адолат тарозисини маҳкам тутиб” мавзусида нафақада бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари; - “Тўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси” мавзусида қурувчи-аёлларнинг кекса авлоди вакиллари; - “Кўзга суртгум устоз босган тупроқларни” мавзусида нафақадаги устоз педагоглар ва ўқувчилар; - “Илми уммон шарафига сазоворлар” мавзусида илмий-тадқиқот муассасаларида узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган, нафақага чиққан академик, профессор, сиёсатчи, олима, дирижёр, муҳандис, бастакор, рассом, фахрий ўқитувчи ва бошқалар. <p>3. Тадбирларга уй бекаларини ва таълим муассасаларининг ўқувчи-қизларини жалб этиш.</p> <p>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>Режа асосида</p>	<p>аёлларнинг кекса авлоди вакиллари? “Кўзга суртгум устоз босган тупроқларни” мавзусида нафақадаги устоз педагоглар ва ўқувчилар? “Илми уммон шарафига сазоворлар” мавзусида узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган, нафақага чиққан академик, профессор, сиёсатчи, олима, дирижёр, муҳандис, бастакор, рассом, фахрий ўқитувчи ва бошқалар билан 36 070 мартаба очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди.</p> <p>Ёш қизларга устозлик қилган устоз-мураббийларнинг тажрибалари 3 678 мартаба ёритилди.</p> <p>Вазифа доирасида “Қизлар сайли” форуми доирасида 97 245 нафар қизларнинг иштироки асосида 4 567 та тадбирлар ва кўрик танловлар ўтказилиб, шундан “Сочи узун санамлар” –432 та, “Дўппи тикдим ипаклари тиллодан” – 564 та, “Либосларда қадрият акси” – 670 та, “Бувижоним кийган либослар” – 986 та, “Момолардан мерос либосим” –762 та, “Қалдирғоч қошимга ўсма ярашар” – 678 та тадбирлар ва 548 та – “Энг иқтидорли лапар ижрочиси” кўрик-танловлари ва бошқа тадбирлар ўтказилди.</p> <p>Тошкент шаҳрида жойлашган “Жар” мажмуасида “Дугоналар давраси” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди, ушбу тадбирга 250 нафар турли соҳа вакиллари қамраб олинди.</p> <p>“Ўзбекистон” телеканали орқали ҳар ойда бир мартаба “Оила олами” дастури намойиш этилмоқда.</p>
<p>26.</p>	<p>Маҳаллаларда ўртасида миллий ва маънавий қадриятларни сингдириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиш.</p> <p>1. Ушбу йўналишда Тошкент шаҳрида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш ҳамда унинг натижалари асосида маҳаллаларда хотин-қизлар онгига</p>	<p>январ январ-феврал</p>	<p>Маҳаллаларда миллий ва маънавий қадриятларни сингдириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликларини ошириш мақсадида “Хотин-қизлар ўртасида радикаллашувни олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023</p>

	<p>олдини олиш, шунингдек уларни қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;</p> <ul style="list-style-type: none"> - туман (шаҳар)лар ва вилоятларда тарғиботчилар гуруҳларини шакллантириш, улар учун ўқувларни ташкил этиш; - ҳар бир туман (шаҳар)нинг тадбирларни ўтказиш графиклари ишлаб чиқишини ташкиллаштириш; - режаларда шунингдек, оилалар ва хотин-қизлар ўртасида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, ўсиб келаётган ёш қизларни она юртга меҳри ва садоқатини ошириш, уларни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш ҳамда электр энергиясини тежашга қаратилган тарғибот тадбирларини ўтказишни алоҳида белгилаш. <p>3. Ҳар бир туман (шаҳар)да чора-тадбирлар режаси ва графиклар ижросини таъминлаш, мониторинг қилиш мақсадида республика, ҳудудий ва туман (шаҳар)лар штабларини ташкил этиш.</p>	<p>феврал</p>	<p>йил 28 мартдаги 06/1-525 мажлиси баёни ва чора-тадбирлар режаси;</p> <ul style="list-style-type: none"> - 2023 йилнинг туман (шаҳар)ларда хотин-қизлар ўртасида радикаллашувни олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш бўйича намунавий график; <p>“Хотин-қизлар ўртасида радикаллашувни олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини ошириш мақсадида амалга ошириладиган чора-тадбирлар Режаси”нинг ижросини мувофиқлаштириш бўйича 20 нафар масъуллардан иборат республика штаби ва таркибига 322 нафар масъулларни бириктирган ҳудудий ва 4 784 нафар масъулларни жалб этган 208 та туман (шаҳар)лар штаблари ташкил этилди.</p> <p>Маҳаллаларда диний мутаассиблик ва экстремизм ғоялари таъсирга тушиб қолишнинг олдини олишга қаратилган тушунтириш ишларини олиб бориш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарларда 2 та йўналишда, жумладан диний-маърифий соҳа бўйича 5 124 нафар ҳамда маънавий соҳа бўйича алоҳида 5 302 нафар тарғибот гуруҳлари аъзолари шакллантирилди.</p> <p>Маҳаллалардаги тарғибот гуруҳлари таркиби қайта кўриб чиқилди ва 9 445 та маҳаллада хотин-қизлар фаоллари раҳбарлигида “Оқида аёллар” ҳаракати аъзолари билан биргаликда маҳалла Тарғибот гуруҳлари қайтадан шакллантирилди. Тарғибот гуруҳлари таркибига 150 минг нафарга яқин фаол хотин-қизлар киритилди. Ҳар бир туман (шаҳар)да маҳаллаларда хотин-қизлар ўртасида радикаллашувни олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш бўйича намунавий графиклар ишлаб чиқилди. 956</p>
--	---	---------------	---

			<p>нафар тарғиботчилар ўқитилди режа асосида давом эттирилмоқда.</p> <p>Республика тарғибот гуруҳи аъзолари қайта кўриб чиқилган. Жамиятимизда ҳар қандай радикаллашувга, ёшларимиз онгини бузғунчи ёт ғоялар билан заҳарлашга диндан сиёсий мақсадларда фойдаланишга, маърифат ўрнини жаҳолат эгаллашига йўл қўймаслик мақсадида, муқаддас динимизнинг инсонпарварлик моҳиятини очиб бериш, фарзандларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш бўйича республика тарғибот гуруҳи таркибига 35 нафар фаол, ҳаётий тажрибага эга хотин-қизлар киритилган.</p> <p>Ҳар бир туман (шаҳар)да маҳаллаларида хотин-қизларни, айниқса уй бекалари ўртасида радикаллашувни, уларни турли мутаассиб ғоялар таъсирига тушиб қолишининг олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш бўйича манзилли режалар ишлаб чиқилди. Бу тадбирларга жалб этилиши зарур бўлган 43 362 нафар аҳоли тўғрисида маълумотлар шакллантирилди.</p> <p>Туман (шаҳар)ларда хотин-қизлар ўртасида радикаллашувни олдини олиш, уларнинг маънавияти ва маданиятини юксалтириш, ижтимоий фаолликларини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш бўйича намунавий график ишлаб чиқилди.</p> <p>Маҳалла раислари, хотин-қизлар фаоллари, ҳоким ёрдамчилари, ёшлар етакчилари, профилактика инспекторларининг тавсиялари асосида биринчи навбатда ишлаш, шу жумладан тарғибот тадбирларини, яқка тартибда психологик семинар-тренинг машғулотларини ўтказиш, муаммоларини ҳал этишга кўмаклашиш лозим бўлган 5 980 нафар хотин-қизлар рўйхати шакллантирилди.</p> <p>6 071 та яқка тартибда психологик семинар-тренинг</p>
--	--	--	---

			<p>машғулотлар ўтказилди. 12 474 маротаба тарғибот тадбирлари ташкил этилди, уларда 518 481 нафар хотин-қизлар иштирок этишди.</p> <p>Вазифа доирасида Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) кенгашлари депутатларнинг ўз сайлов округларида аёллар билан очиқ мулоқотларини ўтказиш жадваллари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.</p> <p>Оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, интернет тармоғи орқали тарқатилаётган ғаразли ахборотлар, одоб-ахлоқни емирувчи иллатлар, аёлларни залолатга бошловчи бузғунчи ғояларга қарши соғлом дунёқарашни шакллантириш мақсадида “Аёл бахти” кўрсатувини тайёрлаш учун Ишчи гуруҳ тузилди ва кўрсатув лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Ҳар бир туман (шаҳар)да миллий либослар уйлари ташкил этиш ва уларда миллий либосларнинг тарғибот тадбирларини ўтказиш, кийиниш маданиятини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда</p> <p>Мазкур топшириқ ижроси юзасидан 1 070 тадан зиёд турли хил мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, ушбу тадбирларга 308 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди. Оммавий ахборот воситаларида 22 525 (телеканал, радио, газета ва журналларда 95 маротаба, ижтимоий тармоқларда 22 430) маротаба ёритилган.</p> <p>Барча ҳудудларда “Ўзбек қадриятлари ва урф-одатлари бувижонлар талқинида” мавзусида оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида туркум кўрсатув, эшиттириш ва маърифий материаллар тайёрлаш ва кенг ёритиш бўйича ишлаб чиқилган медиа-режага кўра, бир нечта мавзулар ёритилди.</p> <p>Жумладан, “Ўзбек қадриятлари ва урф-одатлари бувижонлар талқинида”, “Оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”, “Эрта никоҳ хатарли ришта”, “Аёл жамиятимиз гултожи - оиламиз фаришгаси” “Кўзга суртгум</p>
--	--	--	--

			<p>устоз босган тупроқларини”, “Аср билан юзлашганлар”, “Файзли хонадон”, “Бахтли оила”, “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” “Кекса шифокор – миллат соғлиғига мададкор”, “Қадриятлар-бебаҳо бойлигимиз” мавзусидаги тадбирлар мунтазам ўтказилиши йўлга қўйилди. Бундан ташқари телевидения, радио, газета ва журналларда мавзуга оид туркум чиқишлар ташкил қилинмоқда.</p> <p>Шунингдек, “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” тадбирлари доирасида “Аёл бахтли бўлса, жамият бахтли бўлади” тадбири ва Ўзбекистон амалий санъат ва хунармандчилик тарихи давлат музейида “Қадриятлар — бебаҳо бойлигимиз” шиори остида маънвий-маърифий тадбир ташкил этилди. “Ўзбекистон” телеканалда “Оила олами” рукинида турли хил мавзуларда кўрсатувлар ташкил қилиниши йўлга қўйилган.</p> <p>Жонкуяр нуроний онахонлар иштирокида “Кекса шифокор – миллат соғлиғига мададкор” мавзусида ёши улуг шифокорлар, “Адолат тарозисини маҳкам тутиб” мавзусида нафақада бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, “Гўзал юртим иморатлари пойдеворининг эгаси” мавзусида қурувчи аёлларнинг кекса авлоди вакиллари, “Кўзга суртгум устоз босган тупроқларни” мавзусида нафақадаги устоз педагоглар ва ўқувчилар, “Илми уммон шарафига сазоворлар” мавзусида илмий - тадқиқот муассасаларида узоқ йиллар давомида ишлаб келаётган, нафақага чиққан академик, профессор, сиёсатчи, олима, дирижёр, муҳандис, бастакор, рассом, фахрий ўқитувчи ва бошқалар билан 2023 йил ҳисобот даврида ойларида 3050 маротаба очиқ мулоқотлар, давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилиб, 82 мингдан зиёд аҳоли қамраб олинди.</p>
27.	Вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш.	январ	Вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизми самарадорлигини ошириш ҳамда уни амалиётга жорий қилиш бўйича чора-

	<p>1. Вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмлари; – маҳаллаларда тарбияси оғир вояга етмаган қизларни аниқлаш ва уларнинг оилаларидаги муаммоларни ҳар чорақда манзилли ўрганиш бўйича услубий тавсиялар; – секторлар, мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан аниқланган муаммоларни тизимли ҳал этиб бориш механизмлари; – маҳаллалар томонидан тарбияси оғир вояга етмаган қизларнинг давомати, аниқланган муаммоларнинг ҳал этилиши, уларга ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатилиши, фарзанд таълим-тарбиясида ота-она масъулияти бўйича жамоат-чилик назоратини амалга ошириш йўл-йўриқлари.</p> <p>3. Ҳужжатларни вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори асосида расмийлаштириш ва ижрога қаратиш.</p> <p>4. “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлик механизмлари самарали жорий этилишига услубий кўмаклашиш.</p> <p>5. Жойларда вояга етмаган қизлар билан ишлашда “Оила – маҳалла – таълим муассасаси” ҳамкорлигини мониторинг қилиш.</p>	<p>январ-феврал</p> <p>март</p> <p>мунтазам равишда ҳар чорақда</p>	<p>тадбирлар Дастури ишлаб чиқилган ва ижрога қаратилган.</p> <p>Дастурга асосан, республика бўйича 320 нафар тарбияси оғир вояга етмаган қизлар ва уларнинг оилаларидаги муаммолари манзилли ўрганилди.</p> <ul style="list-style-type: none"> - 53 нафар қизлар таълим муассасаларига қайтарилди; - 106 нафар қизларнинг оилавий муаммолари ижобий ҳал этилди; - 118 нафар қизларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида ҳунар ўрганиш тўғрақларига жойлаштирилди; - 13 нафар қизлар республика қиз болалар ўқув тарбия муассасаларига жойлаштирилди. <p>Жойларда ибратли, кўпни кўрган, ёши улут онахонларни, бувижонларни ҳаёт тажрибасидан кенг фойдаланиб, қизларни маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш, дунёқарашини бойитиш, одоб-ахлоқ қоидалари руҳида тарбиялаш, уларнинг қобилиятларини рўёбга чиқариш, ҳунар ўргатиш, миллий маънавий-маърифий фазилатларни ёшларнинг онгига сингдириш мақсадида “Қизлар одоби билан гўзал”, “Ҳунарли хор бўлмас”, “Урф-одатлар ва қадриятларнинг ёшларнинг тарбиясидаги аҳамияти”, “Қадриятлармиз бебаҳо бойлигимиз”, “Бувижонлар маърифати ёшлар талқинида”, “Сариштали уй - фариштали уй”, “Миллий либослар - қизларнинг кўрки” мавзуларида 450 дан зиёд тадбирлар ташкил қилиниб, ушбу тадбирларга 11 минг 250 дан зиёд ёшлар қамраб олинди.</p> <p>Профилактика инспекторлари, ёшлар етакчилари, маҳалла фаоллари, ҳудудлардаги таълим муассасалари биргалиқда тарбияси оғир қизларни ҳаётга тўғри йўналтириш, уларнинг қизиқиши бўйича тўғрақларга жалб қилиш, улар билан психологик тренинглар ўтказиш, турли маънавий-маърифий тадбирларга жалб қилиш тизимли йўлга қўйилди. Ўтган даврда 180 та профилактик тадбирлар ўтказилди.</p> <p>Шунингдек, ҳамкорликда “Беш ташаббус амалда”, “Беш ташаббус – беш имкон”, “Санъатим – фаҳрим”, “Мен ҳам</p>
--	--	---	--

		<p>истеъдодимни намоён этаман”, “Куйла ёшлигим”, “Мусаввирлар дурдоналари”, “Ёш китобхонлар” шиори остида 250 дан зиёд тадбирлар ташкил этилиб, 36 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди.</p> <p>Соғлом турмуш тарзи ва спортни оммалаштириш йўналишида маҳаллалар ҳудудида спортнинг волейбол, баскетбол, стол тенниси, шахмат, шашка турлари бўйича “Отам, онам ва мен”, “Велоспорт”, “Спортни сев, спорт билан яша!”, “Спорт билан ҳамнафас” ҳамда гимнастрада каби 25 мингдан зиёд спорт тадбирлари ўтказилиб, ушбу тадбирларга 6 250 дан зиёд вояга етмаган қизлар қамраб олинди.</p> <p>“Вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомилдорликларнинг олдини олишга қаратилган мутасадди вазирлик ва идораларнинг чора-тадбирлар дастури” ижроси бўйича ҳамкор ташкилотлар томонидан эрта никоҳларнинг салбий оқибатлари ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этувчи маънавий-маърифий тадбирлар ташкиллаштирилиб, уларнинг ота-оналари билан 150 тадан ортиқ психологик семинар-тренинглар ўтказилди. Тадбирларда 3 300 нафар ёшлар, 45 нафар ҳуқуқшунос, 35 нафар психологлар ҳамда 45 нафардан ортиқ соҳа мутахассислари иштирок этдилар. 45 та муаммоли маҳаллаларда ва 341 та таълим муассасаларида “Норасмий никоҳ ва унинг салбий оқибатлари”, “Соғлом турмуш тарзини шакллантириш” мавзусида суҳбатлар ўтказилиб, уларда 16 228 нафар қизлар ва уларнинг оналари иштирок этдилар.</p> <p>Эрта никоҳ ва эрта туғруқ, яқин қариндошлар ўртасида никоҳлар ҳамда оилавий ажримлар каби салбий оқибатларнинг олдини олишга қаратилган видео ва анимасион роликлар, тақдимотлар ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллардан фойланган ҳолда 7155 та тарғибот тадбирлари, маҳалла вакиллари билан ҳамкорликда ота-оналар учун 235 та учрашув, 156 та давра суҳбатлари ўқувчи-қизлар учун ташкил этилган.</p>
--	--	---

<p>28.</p>	<p>Оилавий ажралишларнинг олдини олишда медиаторлик институтининг ролини кучайтиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>1. Ҳуқуқий эксперимент тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида ажримларга оид ишларни кўриб чиқиш бўйича тўпланган тажрибани таҳлил қилиш.</p> <p>2. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда оилавий ажралиш кўрсаткичлари юқори бўлган биттадан туман (шаҳар)да ҳуқуқий эксперимент тариқасида ажримларга оид ишларни кўриб чиқувчи махсус хоналарни ташкил этиш.</p> <p>3. Юристар малакасини ошириш маркази томонидан оилавий ажралиш кўрсаткичи юқори бўлган фуқаролар йиғинлари ходимлари малакасини ошириш.</p> <p>4. Ҳуқуқий эксперимент натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш.</p>	<p>январ-феврал феврал-март</p> <p>режа-график асосида йил давомида июл</p>	<p>Оилавий ажралишларнинг олдини олишда медиаторлик институтининг ролини кучайтириш мақсадида ҳуқуқий эксперимент тариқасида фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида ажримларга оид ишларни куриб чиқувчи махсус хона ташкил этилди.</p> <p>Шунга кура, Олий суд томонидан фуқаролик ишлари бўйича Миробод туманлараро судида алоҳида махсус хона ташкил этилганлиги ҳамда эксперимент натижалари юзасидан таклифлар Адлия вазирлигига 2022 йил 27 июлдаги 08/477-22 -сонли ва 2022 йил 18 августдаги 08/524-22-сонли хатлар билан маълум қилинган.</p> <p>Тошкент шаҳри Миробод тумани суди негизида медиаторлар хонаси, оилавий ажрим ортган туманлар маҳалладаги хотин-қизлар фаолларини Юристар малакасини ошириш марказида ўқитилиши йўлга қўйилди.</p> <p>Оила ва хотин-қизлар илмий-тадқиқот институтирасмий сайтига қўйидаги мақолалар жойлаштирилди:</p> <p>Медиация низоларни бартараф этишнинг прогрессив усули сифатида ;</p> <p>Низоларни суддан ташқари хал қилиш проседуралари ва хоказо.</p> <p>2023 йил 10 та амалий лойиҳани бажариш режалаштирилган. Бугунги кунга қадар 5 та амалий лойиҳа бажарилди.</p> <p>1. Оилавий ажралишларнинг сабаблари ва омилларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадқиқот ишларини амалга ошириш.</p> <p>Оилавий ажралишларнинг олдини олиш бўйича Сингапур, Малайзия ва Индонезия давлатларининг тажрибалари ўрганилди. Оилавий ажралишларнинг</p>
------------	---	---	---

			<p>сабаблари ва омилларини аниқлаш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича комплекс тадқиқот ишларини амалга ошириш мақсадида тадқиқот дастури, инструментарийси ва сўров варақаси шакллантирилди. Оилавий ажралишлар бўйича ҳудудий бирлик, туман/шаҳар кесимида статистик маълумотлар таҳлил қилинди. Республиканинг Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида дала тадқиқотлари ўтказилди.</p> <p>Пилотаж тадқиқот натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига (институтнинг 2023 йил 28-февралдаги №01-08/1077-сонли хати) ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигига (институтнинг 2023 йил 28-февралдаги №01-08/1078-сонли хати) юборилди.</p> <p>2023 йилнинг январь-март ойлари никоҳдан ажралишга ижтимоий-иқтисодий омиллар (саноат, урбанизация, бандлик, ишсизлик, даромад, таълим, миграция)нинг таъсирини аниқлаш мақсадида эконометрик моделлаштириш усулидан фойдаланилган ҳолда тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот натижалари асосида таҳлилий маълумотнома тайёрланди ҳамда Олий Мажлис Сенати (2023 йил 8 майдаги 01-08/1193), Вазирлар Маҳкамасига (2023 йил 8 майдаги 01-08/1194) тақдим этилди.</p>
<p>29.</p>	<p>Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этиш мақсадида уларнинг юбилей саналарини кенг нишонлаш чораларини кўриш.</p> <p>1. Ишчи гуруҳи томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг рўйхатини шакллантириш; - рўйхатга киритилган маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида тарғибот материалларини 	<p>феврал</p> <p>феврал-март</p>	<p>Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёллар рўйхати шакллантирилиб 2022 йил 29 мартдаги 03/11/477- сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига киритилган.</p> <p>Айнан рўйхат бўйича Нодирабегим, Зулфия Исроилова, Саида Зуннунова, Суйима Ганиева, Мухтарома Улуғоваларнинг юбилей саналари кенг нишонланди.</p> <p>Адлия вазирлиги томонидан</p>

<p>тайёрлаш;</p> <p>– вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, маҳаллалар ва таълим муассасаларида маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини кенг тарғиб этиш бўйича бадиий кеча, учрашув, давра суҳбати ва бошқа тадбирлар ўтказиш графикларини ишлаб чиқиш;</p> <p>– ОАВ ва ижтимоий тармоқларда мазкур аёлларнинг ибратли ҳаёт йўли тўғрисида турқум кўрсатув, интервью, эшиттиришлар тайёрлаш, мақолалар чоп этиш бўйича медиа-режаларни тайёрлаш.</p> <p>2. Ишлаб чиқилган ҳужжатларни мутасадди вазирлик ва идораларнинг қўшма қарори асосида ижрога қаратиш.</p> <p>3. Вазирлик ва идоралар, ташкилотлар, маҳаллалар ва таълим муассасаларида Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг юбилей саналарини нишонлаш, уларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этишга қаратилган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>март</p> <p>апрел ойдан бошлаб режа асосида</p>	<p>2022 йил 30 мартдаги 8/9-1/1275-сон хат билан Республика Маънавият ва маърифат марказига Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёллардан адлия вазирлари Х.Сулаймонова, М.Восиқованинг туғилган саналарини кенг нишонлаш бўйича таклиф киритилди.</p> <p>Бундан ташқари тарихда ўчмас из қолдирган юрист аёлларнинг хизматларини эътироф этиш мақсадида ҳуқуқ соҳасида Ўзбекистон тараққиётида муносиб ҳисса қўшган адлия вазирлари Х.Сулаймонова, М.Восиқова каби юрист аёллар тўғрисида видеофилм суратга олинди. Ушбу видеофилм ОАВ ва ижтимоий тармоқларга жойлаштирилди.</p> <p>Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёллар рўйхати шакллантирилиб жорий йилнинг 29 март санасида № 03/11/477-сонли хат билан Вазирлар Маҳкамасига тақдим этилди. Айнан рўйхат бўйича Нодирабегим, Зулфия Исроилова, Саида Зуннунова, Суйима Ғаниева, Мухтарама Улуғова, академикларимиздан Азимжонова Сабоҳат Азимжоновнанинг, Ходжинова Мақсуда Агзамовна, Абдулхужаева Маликаларнинг юбилей саналари нишонланди. Бундан ташқари Марказ ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан маҳалла, мактаб ва бошқа ташкилотларда Ўзбекистон тарихида чуқур из қолдирган маърифатпарвар аёлларнинг ибратли ҳаёт йўлини тарғиб этиш мақсадида 750 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилди.</p> <p>Жумладан жорий йилнинг 5 май санасида Республика Маънавият ва маърифат маркази, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармаси билан ҳамкорлигида Тошкент шаҳаридаги “Пучон” университетига таниқли адиба, шоира Саида Зунунованинг хотирасига бағишлаб</p>
--	--	--

			<p>“Асрларга татиган умр” мавзусида конференция бўлиб ўтди.</p> <p>Бундан ташқари Маънавият ва маърифат Маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан маҳалла, мактаб ва бошқа ташкилотларда 1 075 дан ортиқ тарғибот тадбирлари ташкил этилиб, уларнинг мавзуси айнан юқорида санаб ўтилган маърифатпарвар аёлларга бағишланди.</p> <p>Шунингдек, 9 май - Хотира ва қадрлаш куни мунособати билан республика бўйлаб Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан 150 дан зиёд маърифатпарвар аёлларга бағишланган Хотира турнирлари ўтказилди.</p> <p>Оммавий ахборот воситаларида 140 га яқин интервью, 50 дан ортиқ мақола эълон қилинди, радиоешиттириш ва кўрсатувлар тайёрлаб, эфирга узатилди.</p>
<p>30.</p>	<p>15-май – “Халқаро оила куни”ни кенг нишонлаш ва “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик-танловини ўтказиш.</p> <p>1. Мутасадди вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат бўлган ишчи гуруҳини тузиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – “Халқаро оила куни”ни кенг нишонлаш бўйича чора-тадбирлар дастурини тайёрлаш; – кўрик-танлов Низоми, уни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш (кўшма қарор орқали расмийлаштириш ва ижрога қаратиш). <p>3. Танлов ҳақида аҳолини кенг хабардор қилиш.</p> <p>4. Ҳудудларда “15 май – “Халқаро оила куни”га бағишлаб ўтказиладиган тадбирларни юқори савияда ташкил этиш, кўрик-танловни ўтказиш ва ғолибларни тақдирлаш.</p> <p>5. Тадбирларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	<p>феврал</p> <p>феврал-март</p> <p>март-апрел</p> <p>май</p>	<p>15 май – “Халқаро оила куни” ҳамда “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” кўрик танловини ўтказиш бўйича Вазирлар Маъкамасининг 2023 йил 7 апрелдаги 06-21/410-сон мажлис баёни билан чора-тадбирлар дастури, Низом ҳамда ишчи гуруҳлари тузилди.</p> <p>Танлов 3 та босқичда – сектор, туман (шаҳар) ва ҳудудий миқёсда ташкил этилди.</p> <p>Ушбу танловда 9 445 та маҳалладан жами қатнашиш истагини билдирган 38 935 та оиланинг 10 485 таси танловнинг 1-босқичида (сектор миқёсида) иштирок этиш учун тавсия этилди.</p> <p>1-5 май кунлари ўтказилган танловнинг 1-босқичи якунлари бўйича жами 832 та оила ғолиб деб топилди ва туман (шаҳар) босқичига тавсия этилди.</p> <p>8-11 май кунлари мобайнида танловнинг туман (шаҳар) босқичи (2-босқичи) ўтказилди ва унинг якунлари бўйича ғолиб деб топилган жами 208 та оила вилоят босқичига тавсия этилди.</p> <p>Танловнинг 1-2-босқичи ғолиблари туман (шаҳар) ҳокимликлари, ҳамкор ташкилотлар ва</p>

		<p>хомийларнинг эсдалик совғалари, якуний босқичда (14 та ҳудуд бўйича) эса ғолиб деб топилган оилалар базавий ҳисоблаш миқдорининг</p> <p>15 баравари, 2-ўринни эгаллаган оила 10 баравари, 3-ўрин соҳиби эса</p> <p>7 баравари миқдорида мукофот пули билан тақдирланди.</p> <p>Ушбу харажатлар хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилди.</p> <p>“Халқаро оила куни” арафасида:</p> <ul style="list-style-type: none"> - 12 май куни Вазирлик, идора ва ташкилотлар ходимлари ва уларинг оила аъзолар иштирокида Гимнастрада фестивали ўтказилди ва унда 500 дан зиёд хотин қизлар қамраб олинди; - ажрим ёқасида турган 3 942 дан зиёд оилалар яраштирилди, 5 175 тасига “Аёллар маслаҳат кенгашлари” аъзолари бириктирилди; - тазйиқ ва зўравонликка учраган 1 937 нафар хотин-қизларга ҳуқуқий ёрдамлар, қарийб 1 893 нафарига психологик кўмаклар кўрсатилди; - “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти томонидан ТДЮУ билан ҳамкорликда 4 май куни “Оилада мулоқот ва гендер тенглик” мавзусида семинар-тренинг ўтказилди; - 21 014 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтожлар ҳолидан хабар олинди; - 11 134 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг 899 нафарига ногиронлик аравачаси, 580 нафарига эшитиш мосламаси, 7 690 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари, 1 965 нафарига кийим-кечак ва гигиена воситалари тақдим этилди; - барча маҳаллаларда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни тарғиб этишга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.
--	--	--

			<p>Ҳозирга қадар, уларда жами 500 мингга яқин аҳоли иштирок этди.</p> <ul style="list-style-type: none"> - таълим муассасаларида 1 млн.дан зиёд ўқувчи-талабалар иштирокида оилаларни мустаҳкамлашга қаратилган маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. - ижтимоий тармоқларда ёшлар ўртасида “Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи” мавзусида ижодий ишлар танлови (фотосуратлар, мақолалар, ижтимоий роликлар, тасвирий ва амалий санъат намуналари бўйича танловлар) ўтказилиши эълон қилинди; - барча мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар ўртасида “Оилам учун мен ўз қўлим билан тайёрлаган совғам” номли қўл меҳнати ишлари танлови ўтказилди; - “Аёллар спартакиадалари”, “Соғлом ҳаёт учун 5 минг қадам”, шахмат-шашка мусобақалари ўтказилиб, ушбу мусобақаларда 235 мингга яқин хотин-қизлар қамраб олинди. <p>Шу билан бирга, “Халқаро оила куни”га бағишлаб ўтказилган тадбирлар ҳақида теле-радиоканалларда кўрсатув ва эшиттиришлар, газета ва журналларда мақола, Интернет саҳифалари ва ижтимоий тармоқларда 14 325 мартаба ёритилди.</p>
31.	Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ажримларни олдини олиш, уларни юзага келиш сабаблари ва бартараф этиш механизмлари доирасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш.	март-апрел	Хоразм ва Самарқанд вилоятларида ажримларни олдини олиш, уларни юзага келиш сабаблари ва бартараф этиш механизмлари доирасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ишлари амалга оширилди. Қайд қилинган камчиликлар бўйича тегишли тавсиялар берилди.
32.	Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарори ижросини ўрганиш.	май-июн	Қорақалпоғистон Республикаси ва Қашқадарё вилоятида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 8 августдаги “Оқила аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 437-сонли қарори ижросини ўрганиш ўтказилди. Қайд қилинган камчиликлар бўйича тегишли тавсиялар берилди.
33.	Жиззах ва Фарғона вилоятларида Ўзбекистон	июл-август	Қўмита томонидан мутасадди вазирлик ва

	<p>Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022-йил 17-июн куни кенгайтирилган тарзда ўтказилган видеоселектор йиғилишининг 50-сонли баёни ижросини таъминлаш мақсадида тасдиқланган “Вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликларнинг олдини олишга қаратилган мутасадди вазирлик ва идораларнинг чора-тадбирлар дастури” ижросини ўрганиш.</p>	<p>идораларнинг таклифлари асосида “Вояга етмаган қизларни эрта турмушга беришга тўлиқ барҳам бериш, исталмаган ҳомиладорликларнинг олдини олишга қаратилган мутасадди вазирлик ва идораларнинг чора-тадбирлар дастури” лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Дастур лойиҳаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2023 йил 2 февралда тасдиқланиб, 10/1-154-сон хат орқали ижрога қаратилди.</p> <p>Топшириқлар ҳамда Дастур ижросини таъминлашда мутасадди ташкилотларнинг фаолиятини ҳар ой якунида маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда танқидий муҳокама қилиб бориш тизими йўлга қўйилди.</p> <p>аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни сақлаш, эрта никоҳ, эрта туғруқ, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари, оилани тўғри режалаштириш, аёлларни контрацептив воситалари билан таъминлашнинг афзалликлари тўғрисидаги тарғибот тадбирлари “маҳаллабай” тизим асосида ташкил этиб борилди.</p> <p>Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳар ҳафтанинг сешанба куни – контрацептив воситаларга эҳтиёжни аниқлаш, қамраш ва оғир ҳомиладорлар билан ишлаш, жума куни – кўп тармоқли поликлиникаларда волонтер қизларга тиббий тушунтиришлар бериб бориш, шанба куни – ҳомиладорлар билан суҳбатлашиш амалиёти йўлга қўйилди.</p> <p>замонавий ахборот-коммуникация воситалари ёрдамида телеграм гуруҳлар орқали тиббиёт, оила ва хотин-қизлар, таълим ҳамда маҳалла фаоллари ўртасида ўзаро ахборот алмашинуви, аҳолини хабардор қилиш тизими яратилди.</p> <p>9 442 та маҳаллада хотин-қизлар фаоллари, оилавий шифокорлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникаларнинг масъулларидан иборат ишчи гуруҳлари томонидан эрта никоҳ, эрта</p>
--	---	--

			<p>туғруқ ва исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш бўйича 29 060 та тарғибот тадбирлари ўтказилди.</p> <p>Ушбу тадбирларга 477 604 нафар хотин-қизлар жалб этилди ва уларга 381 028 та тарқатма материаллар тарқатилди, ўтказилган тадбирлар ҳақида 3 733 маротаба ОАВ ва ижтимоий тармоқларда материаллар ёритилди.</p> <p>таълим муассасаларида эрта ёшдаги турмуш ва эрта ҳомиладорликни олдини олиш бўйича якка тартибда суҳбатлар олиб бориш мақсадида</p>
34.	Қашқадарё ва Бухоро вилоятларида Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги 820-сон қарори асосида ташкил этилган “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” фаолиятини ўрганиш.	сентябр-октябр	<p>Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 31-декабрдаги 820-сон қарори асосида ташкил этилган “Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш марказлари” фаолиятини ўрганиш ишлари Фарғона, Наманган ва Андижон вилоятларда ўтказилди. Ўрганиш натижаларига кўра қайд этилган камчиликлар ва муаммолардан келиб чиқиб, янги йўриқнома ишлаб чиқилди ва жойларга ижро учун етказилди.</p>
Гендер тенгликни таъминлаш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш ва халқаро муносабатларни ривожлантириш бошқармаси			
63.	Ахборот технологиялари йўналишида ютуқларга эришган иқтидорли қизларни Зулфия номидаги давлат мукофоти билан тақдирлашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	март	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармонида ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” Фармони лойиҳаси ишлаб чиқилди.</p> <p>Фармон лойиҳаси масъул вазирлик ва идоралар билан келишилди. Лойиҳа белгиланган тартибда жамоатчилик муҳокамасидан ҳамда Адлия вазирлигининг ҳуқуқий экспертизасидан ўтказилиб, Вазирлар Маҳкамасига киритилди.</p>
64.	Қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги коллеж ва техникумларда касб (мутахассислик) эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларнинг давлат гранти асосида таълим олишларини	май	<p>Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тайёрланган ва коллеж ва техникумларга қурилиш, транспорт, коммунал, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги касб ва</p>

	назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.		мутахассисликларда ўқиш истагида бўлган хотин-қизлар тўлиқ давлат гранти асосида таълим олишларини ҳамда уларнинг харажатларини тўлиқ давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қоплаш мақсадида ишлаб чиқилган “Коллеж ва техникумларда касб ва мутахассислик эгаллаш истагида бўлган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур лойиҳани қўллаб-қувватлаш ҳақида Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига 2023-йил 2 июндаги 02-01/697-сонли хат юборилди.
65.	Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича маслаҳат-кенгаши органлари фаолиятини такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.	июн	Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан “Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий Низом” ишлаб чиқилиб, ўрнатилган тартибда келишилди (<i>Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитасининг 2023-йил 16-июндаги 25-12/1400-сонли хати</i>) “Давлат органларида хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш бўйича маслаҳат-кенгаш органлари фаолиятини ташкил этиш бўйича намунавий Низом” 2023-йил 23-июн 02-01/831-сон хат билан вазирлик ва идораларга ҳамда 2023-йил 7-июлдаги 04-01/218-сон хат билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилди.
66.	Давлат органлари ва ташкилотларида гендерга оид аудит ўтказишнинг ҳуқуқий асослари тўғрисида ўқув семинарларини ўтказиш. 1. Ўқув семинарининг дастури, тарғибот материаллари ва реж-графикларни ишлаб чиқиш. 2. Режа-графиклар асосида малакали мутахассисларни жалб этган ҳолда давлат органлари ва ташкилотларида ўқувларни ташкил этиш.	феврал-март	2022-йил 15-декабрда қабул қилинган “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” ги Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-809-сон Қонуни ижроси юзасидан Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорликда жорий йилнинг 31 январ куни Федерациянинг Малака

		<p>ошириш институтида Гендерга оид аудитни ўтказувчи мутахассислар учун амалий ўқув семинар ўтказилди. Семинарда Олий Мажлис Сенати, касаба уюшмалари Федерацияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг раҳбар ва масъуллари, 61 та вазирлик ва идоралар ходимлари, шунингдек, ҳудудий студиялардан оила ва хотин-қизлар қўмитасининг масъул ходимлари, касаба уюшмаларининг меҳнат инспекторлари, гендер масалалари бўйича тренерлар, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг ҳудудий тузилмалари масъул ходимлар иштирок этди.</p> <p>Семинарда қабул қилинган қонуннинг мазмун-моҳияти, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятида, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендер аудитнинг ўрни, хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига риоя этиш ҳолатини, шунингдек гендерга доир комплекс ёндашувни ўрганиш ва баҳолаш ҳамда гендерга оид аудит давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда гендерга оид аудитни ўтказиш услубиятлари ҳақида маълумотлар берилди.</p> <p>Жорий йилнинг 28 апрел куни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Касаба уюшмалари Федерацияси, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 15 декабрдаги ЎРҚ-809-сон “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида” ги Қонунини амалга ошириш бўйича тарғибот тадбирлари режа жадвали тасдиқланди.</p> <p>Мазкур режа-жадвал асосида ҳудудларда “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда</p>
--	--	--

		<p>имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонун мазмун-моҳияти бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб борилди. Хусусан шу вақтга қадар қонун тарғиботига бағишлаб 9 мингдан ортиқ та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, уларда 310 мингдан аҳоли вакиллари иштирок этди.</p> <p>Аҳоли билан ўтказилган тадбирларда “Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Қонуннинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш масалаларида эришилган натижалар ва бу борадаги устувор вазифалар, давлат хизматида гендер тенгликни таъминлаш масалалари ҳамда гендер статистикаси, меҳнат муносабатларида гендер тенгликни таъминлаш борасидаги муаммо ва ечимлар, гендер тенгликни таъминлаш ва БМТ тавсияларини амалга ошириш масалалари, гендерга оид терминологиянинг хотин-қизлар ижтимоий ҳолатини яхшилашга қаратилган имкониятлари тўғрисида батафсил маълумот ва тушунтиришлар берилди.</p> <p>Жорий йилнинг 11-15 май кунлари Тошкент шаҳридаги Мир Луке Плаза меҳмонхонасида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда АҚШ Тараққиёт дастури (УСАИД) билан ҳамкорлигида “Гендер аудит: принциплари ва ўтказиш тартиби” мавзусида 2 кунлик семинар тренинг ўтказилди.</p> <p>Семинар-тренингда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, вазирлик ва идоралар, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этди. 2 кунлик семинар тренинг давомида тажрибали гендер бўйича экспертлар томонидан Гендерга оид аудитни ўтказишнинг</p>
--	--	--

			<p>методологияси, принциплари, ўтказиш босқичлари, таркибий қисмлари ҳақида эътибор қаратилди.</p> <p>Шу билан бирга иштирокчиларнинг гендер аудитни ўтказиш масалалари бўйича билимларини ошириш ва уни ўтказишда амалий кўникмаларни шакллантириш шунингдек давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига, шу жумладан кадрлар сиёсатини олиб боришда гендерга доир комплекс ёндашувни жорий этишга қаратилган чоратadbирларни белгилаш ва уларнинг амалга оширилишини таъминлаш бўйича зарур назарий ва амалий билимлар берилди.</p>
67.	<p>11 феврал – Халқаро илм-фан соҳасидаги хотин-қизлар куни муносабати билан “Илм-фанда хотин-қизлар ҳафталиги”ни ташкил этиш.</p> <p>1. Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Ҳафталик концепсияси, тадбирлар режасини ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ҳафталикни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>6. Ҳафталикни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	феврал	<p>Илк маротаба 11 феврал - “Илм-фан соҳасидаги аёллар ва қизлар халқаро куни” муносабати билан ҳафталик ўтказилди. Ҳафталик доирасидаги тадбирларга 24 574 нафар олима ва оқила аёллар, 19 880 нафар раҳбар аёллар, 268 нафар Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорлари жалб этилди.</p> <p>1 738 нафар олима аёллар ҳамда илм-фан соҳасидаги турли кўрик-танловларда, олимпиадаларда ғолиб ва совриндор бўлган хотин-қизлар, 287 нафар инновасион лойиҳа яратган ногиронлиги бор иқтидорли қизлар рағбатлантирилди.</p> <p>Ижтимоий тармоқларда 11 888 нафар хотин-қизлар иштирокида “Менинг кашфиётларим Ватаним тараққиёти учун хизмат қилади”, “Юрт тараққиётига менинг ҳиссам”, “Олим сифатида менинг вазирам ва жамоатчилик хабардорлигини оширишга ҳисса қўшиш” мавзуларида 437 та флешмоб ва челленж ташкил этилди.</p> <p>Тошкент шаҳридаги Инҳа университетига “Жамиятда илм-фан, технологиялар ва инновацияларнинг барқарор ривожланишида хотин-қизларнинг ўрни” мавзусида халқаро форум ўтказилди. Унда 10 та секция бўйича олима, ва</p>

			тадқиқотчи хотин-қизлардан 200 дан ортиқ илмий маърузалар қабул қилинди.
68.	<p>Жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатган, маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларимизни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолият олиб бораётган хотин-қизларни “Мўтабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирлаш.</p> <p>1. Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси ҳузурида кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркибини шакллантириш.</p> <p>2. Вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан кўкрак нишони билан тақдирланадиган хотин-қизлар рўйхатини шакллантириш.</p> <p>3. Рўйхатга киритилган хотин-қизларни кўкрак нишони билан тақдирлаш маросимини юқори савияда ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	март ойининг 1-ҳафтаси	<p>Жорий йилнинг 10 январ куни Оила ва хотин-қизлар кўмитаси ҳузурида кўкрак нишони билан тақдирлашга оид таклифларни кўриб чиқиш бўйича комиссия таркиби таркиби шакллантирилди.</p> <p>Жорий йилда кўкрак нишони билан тақдирлаш учун Республика комиссиясига 900 га яқин ҳужжатлар келиб тушди.</p> <p>Шу йилнинг 14-20 феврал кунлари кўкрак нишони билан мукофотлаш бўйича комиссия аъзолари томонидан кўкрак нишонига тақдим этилган ҳужжатлар кўриб чиқилди ва уларни баҳолаш ишлари амалга оширилди.</p> <p>Номзодларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш давомида уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаоллик ва ташаббускорлигига, оилаларнинг тотувлиги ва фаровонлигини мустаҳкамлашдаги ўрнига, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, уларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, жойларда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш ва миллий қадриятларни кенг тарғиб этиш борасида ибратли фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.</p> <p>Йақуний натижаларга кўра Комиссия томонидан 314 нафар фаол аёллар кўкрак нишонига муносиб деб топилди. Уларнинг 71 нафари вазирлик ва идоралар тавсияси асосида, 243 нафари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан ҳисобланади.</p> <p>8 март халқаро Хотин-қизлар куни муносабати билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказилган байрам тантаналарида кўкрак нишони ўз эгаларига тантанали равишда топширилди.</p> <p>Жорий йилнинг 6 март куни Давлат бошқаруви Академиясида вазирилк ва идоралардан 62 нафар</p>

			<p>аёлларга “Мўтабар аёл” кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими ўтказилди.</p> <p>Кўкрак нишонини тантанали топшириш маросими билан тоғлиқ ОАВ ва ижтимоий тармоқларда 100 га яқин материаллар эълон қилинди.</p>
69.	<p>Мамлакатимизда баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасида адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантириш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодини юксалтириш ишларига Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Мўтабар аёл” кўкрак нишони совриндорларини фаол жалб этиш тизимини йўлга қўйиш.</p> <p>1. Кўмита қошида Зулфия номидаги давлат мукофоти “Мўтабар аёл” кўкрак нишони совриндорларидан иборат ишчи гуруҳини ишлаб чиқиш.</p> <p>2. Ишчи гуруҳи томонидан мукофот совриндорларини ижтимоий ишларга фаол жалб этиш бўйича ҳужжатлар (Йўриқнома, режа-жадваллар, намунавий графиклар, мониторинг қилиш тартиби кабилар)ни ишлаб чиқиш.</p> <p>3. Ҳужжатларни идоравий буйруқ орқали расмийлаштириш ва ижрога қаратиш.</p> <p>4. Зулфия номидаги давлат мукофоти ҳамда “Мўтабар аёл” кўкрак нишони совриндорлари фаолиятини мониторинг қилиш ва уларга услубий кўмаклашиш.</p>	март	<p>Мамлакатимизда баркамол, оқила хотин-қизлар авлодини вояга етказиш, улар орасида адабиёт, санъат, фан ва маданиятни ривожлантириш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маънавий қадриятларга эътиқодини юксалтириш ишларига Зулфия номидаги давлат мукофоти, “Мўтабар аёл” кўкрак нишони совриндорларини фаол жалб этиш борасида қатор ишлар амлага оширилмоқда.</p> <p>Жорий йилда Зулфия номидаги Давлат мукофоти таъсис этилгандан буён ушбу мукофот билан жами 424 нафар иқтидорли қизлар ушбу мукофот билан тақдирланган. Хусусан 2023 йилда ушбу Давлат мукофоти билан 28 нафар иқтидорли қизлар тақдирланиб, уларнинг 6 нафари адабиёт, 2 нафари маданият, 5 нафари санъат, 4 нафари таълим, 5 нафари фан, 4 нафари спорт ва 2 нафари жамоатчилик йўналишларида мукофот соҳибаси бўлди.</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Оила ва хотин-қизлар бошқармалари томонидан Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорларининг секторлар кесимида, олис ва чегара ҳудудлардаги маҳаллаларда, таълим муассасаларида хотин-қизлар иштирокида ўтказиладиган очиқ мулоқотлар Режа-жадвали ишлаб чиқилди. Мажкур Режа-жадвал асосида жойларда тарғибот тадбирлари, ёшлар билан учрашувлар ташкил этилди.</p> <p>Шунингдек, 2019 йилдан буён шу кунга қадар 1451 нафар фаол хотин-қизлар Мўтабар аёл кўкрак нишонига муносиб деб топилган бўлиб, Мазкур кўкрак нишони соҳибаларининг ибратли ҳаёт йўлини аҳоли</p>

			ўртасида кенг тарғиб этиш мақсадида улар иштирокида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар орқали чиқишлар ташкил этилди.
70.	<p>Давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларнинг касбий ва интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларни раҳбарликка тайёрлаш мақсадида Давлат бошқаруви академиясида “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури асосида уларни ўқитиш.</p>	март	<p>Қўмита, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда 2023 йил учун жорий йилнинг март ойида Давлат бошқаруви академияси билан биргаликда давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган фаол хотин-қизларни раҳбарликка тайёрлашга қаратилган 2 ойлик 552 соатдан иборат “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастури ишлаб чиқилди. “Раҳбар аёллар мактаби” ўқув дастурининг учинчи мавсуми 2023 йилнинг сентябр ойида ўтказилиши режалаштирилган.</p> <p>Маълумот учун: Ўтган 1-2-мавсумда Давлат бошқарувининг турли соҳаларида фаолият олиб бораётган юқори касбий салоҳиятга эга, ташаббускор ва ислоҳотларни амалга оширишда фаол иштирок этувчи 100 нафар раҳбар аёллар танлаб олинди. Танлаб олинган раҳбар аёллар учун Давлат бошқаруви академиясида 2 та мавсумда ўқув машғулоти ташкил этилди. Биринчи мавсум 2022 йилнинг сентябр-ноябр ойлари ташкил этилиб, унда 47 нафар ёш раҳбар аёллар иштирок этди. Иккинчи мавсум 2022 йил декабр ойида бошланди ва 2023 йилнинг феврал ойига қадар давом этди. Унда 52 нафар ёш раҳбар аёллар иштирок этди. Курс доирасида тингловчилар раҳбар аёл фаолиятининг мазмуни: миллий ва хорижий тажриба, натижага йўналтирилган бошқарув, бошқарувда аёллар: тарихий ва гендер аспекти, давлат сиёсатининг турли соҳалари бўйича, шунингдек, ҳудудларни жадал ривожлантириш, давлат бошқарувини рақамлаштириш, коррупцияга қарши кураш каби йўналишларда ўз билимини оширди. Машғулотларни ўтказиш учун вазирлик-идораларнинг тажрибали раҳбарлари, юқори малакали эксперт ва амалиётчилар жалб қилинди.</p>

			Шунингдек, тингловчилар учун турли маданий тадбирлар ташкил этилди. Курс якуни бўйича ўзлаштирган мавзулар юзасидан тест синовлари, психологик портретини аниқлаш мақсадида махсус сўровномалар тўлдирилди ҳамда компетенциялар бўйича суҳбат ташкил этилди.
71.	<p>Жаҳон банкининг “Аёллар, бизнес ва қонун” (Women, Business and Law) индексида Ўзбекистон ўрнини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.</p> <p>1. Индексда паст кўрсаткич қайд этилган индикаторларни хатловдан ўтказиш.</p> <p>2. Хатлов натижалари бўйича индикаторларни яхшилаш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.</p> <p>3. Индексда Ўзбекистон ўрнини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган ишларни, мавжуд камчиликларни муҳокама қилиб бориш.</p>	май	<p>Жаҳон банкининг 2023-йил учун (маълумотлар 2022-йил якуни билан таҳлил этилган) Аёллар, бизнес ва қонун индекси бўйича ҳисоботи ўрганиб чиқилди.</p> <p>Индекс хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва гендер тенглик масалаларини 8 та индикаторга (эркин ҳаракат, мулкка эгаллик қилиш, ишга жойлашиш, меҳнатга ҳақ тўлаш, оила, ота-оналик қилиш, тадбиркорлик ҳамда пенсия таъминоти) асосан ўрганади.</p> <p>Хусусан, мазкур индексда 2021-йилда мамлакатимиз 70,6 балл билан, 190 та давлат орасидан 134-ўринни эгаллаган бўлса, 2023-йилда 70,6 балл билан 5 ғоғона пастлаган (139-ўрин).</p> <p>Индекснинг 8 та индикатори (максимал балл – 100) бўйича Ўзбекистон кўрсаткичлари 2021 йилдан буён қуйидагиларни ташкил этмоқда:</p> <p>Мамлакатимиз индекснинг “Меҳнатга ҳақ тўлаш” (25 балл), “Ишга жойлашиш” (50 балл), “Пенсия” (50 балл), “Ота-оналик қилиш” (60 балл) ва “Оила” (80 балл) индикаторларида паст натижа қайд этмоқда.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сон Фармонининг 3-иловасига мувофиқ, Аёллар, бизнес ва қонун индексининг 8 та индикаторига вазирлик ва идоралар масъул этиб белгиланган. Хусусан,</p> <p>1) Эркин ҳаракат индикаторига – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги,</p> <p>2) Ишга жойлашиш индикаторига – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,</p>

		<p>3) Меҳнатга ҳақ тўлаш индикаторига – Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,</p> <p>4) Оила индикаторига – Оила ва хотин-қизлар қўмитаси;</p> <p>5) Ота-оналик қилиш индикаторига – Касаба уюшмалари федерацияси ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги,</p> <p>6) Бизнес индикаторига – Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги;</p> <p>7) Мулкка эгалик индикаторига – Адлия вазирлиги,</p> <p>8) Пенсия индикаторига – Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси масъул этиб белгиланган.</p> <p>Таҳлилларга кўра Мазкур ҳисобот 2021 йилнинг 2 октябридан 2022 йилнинг 1 октябрга қадар амалда бўлган Қонунчиликдаги мавжуд нормалар асосида шакллантирилган.</p> <p>Аммо, ўтган сал кам 1 йил давомида мамлакатимизда халқаро рейтингларда Ўзбекистон ўрнини юқорига кўтариш бўйича сезиларли ислохотлар амалга оширилди.</p> <p>Хусусан, амалга оширилган энг катта ислохотлардан бири, сал кам 30 йил олдин қабул қилинган, мамлакатимизнинг меҳнат муносабатларини тартибга солишдаги энг асосий ҳужжат ҳисобланадиган Меҳнат кодекси 2022 йил 28 октябрда Янги таҳрирда қабул қилинди. Унга кўра:</p> <ul style="list-style-type: none"> - меҳнат ҳуқуқларининг тенглиги, меҳнат ва машғулотлар соҳасида камситишни тақиқлаш; - меҳнат эркинлиги ва мажбурий меҳнатни тақиқлаш; - меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик; - меҳнат ҳуқуқлари таъминланишининг ва меҳнат мажбуриятлари бажарилишининг кафолатланганлиги; - ходимнинг ҳуқуқий ҳолати ёмонлашишига йўл
--	--	--

		<p>қўйилмаслиги;</p> <p>- айниқса хотин-қизларнинг меҳнат муносабатларида, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалаларда эркаклар қатори бир хил муносабатда бўлиши бўйича нормалар батафсил ёритилди.</p> <p>Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 12 апрелдаги ЎРҚ-829-сон Қонуни билан охириги пайтларда бутун дунёда, шу жумладан мамлакатимизда яна бир энг долзарб муаммоли масалалардан бири бўлиб келаётган, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тазйиқ ва зўравонликдан ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ҳамда ҳуқуқий асосларини тубдан такомиллаштириш бўйича алоҳида нормалар тадбиқ этилди, мавжудлари бўйича жазо чоралари кучайтирилди. Унга кўра:</p> <p>- Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссиясининг ягона мувофиқлаштирувчи органи сифатида белгиланди;</p> <p>- Жиноят кодексига Оилавий (маиший) зўравонлик ҳамда Шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш бўйича алоҳида моддалар киритилди;</p> <p>- Маъмурий жавобгарлик кодексга Шаҳвоний шилқимлик қилиш ҳамда Оилавий (маиший) зўравонлик бўйича ҳам алоҳида моддалар жорий қилинди.</p> <p>Таҳлилларга кўра индекснинг 8 та индикатордаги 35 та саволдан 25 та саволга ижобий баҳо берилиб, 10 та саволга баҳо қўйилмаган.</p> <p>Мазкур баҳо қўйилмаган 10 та саволдан 8 та савол бўйича тегишли Қонунлар ва норматив-ҳуқуқий</p>
--	--	--

		<p>хужжатлар қабул қилинган. Хусусан,</p> <p>1. Ҳаракатланиш эркинлиги индикатори (100 балл): (Масъул: Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги)</p> <p>Мазкур индикатор бўйича муаммо йўқ, 4 та саволдан 4 тасига ижобий баҳо берилиб, 100 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Аёллар эркаклар каби қаерда яшашини ўзи танлай оладими?– Ха. - Аёллар эркаклар каби уйдан ташқарида саёхат қила оладими? – Ха. - Аёллар эркаклар каби паспорт олиш учун ариза бера оладими? – Ха. - Аёллар эркаклар каби давлат ташқарига чиқа оладими?– Ха. <p>2. Меҳнат қилиш индикатори (50 балл): (Масъул: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги)</p> <p>Мазкур индикаторда 4 та саволдан 2 тасига ижобий баҳо берилиб, 50 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Аёллар эркаклар каби ишга жойлаша оладими?– Ха. - Жинси бўйича ишга қабул қилишдаги тўсқинликлар қонун билан чекланганми? – Ха. - Ишга қабул қилишда жинсий зўравонликка оид қонунчилик мавжудми? – Йўқ. - Ишдаги жинсий зўравонликка қарши жиноий ёки фуқаровий жазо борми? – Йўқ. <p>Ушбу 2 та салбий баҳоланган саволлар бўйича Ўзбекистон қонунчилигида тегишли норма ва жазо белгиланган. Жумладан:</p> <p>а) “Ишга қабул қилишда жинсий зўравонликка оид қонунчилик мавжудми?” деган саволга “Йўқ” жавоби берилган.</p>
--	--	---

			<p>Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрдаги “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ЎРҚ-561-сон Қонуни қабул қилинган ҳамда хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар тартибга солинган.</p> <p>б) “Ишдаги жинсий зўравонликка қарши жиноий ёки фуқаровий жазо борми?” деган саволга “Йўқ” жавоби берилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси ИВ-боби (Жинсий эркинликка қарши жиноятлар)да 118-121-моддалари орқали жинсий зўравонликнинг ҳар қандай кўринишлари бўйича жавобгарлик белгиланган.</p> <p>Мазкур субиндикаторни яхшилаш юзасидан таклиф:</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилигида жинсий зўравонлик бўйича умумий нормалар мавжуд бўлсада, аммо мазкур индексда келтирилган “Ишга қабул қилишдаги ва ишдаги жинсий зўравонлик” саволи бўйича алоҳида норма мавжуд эмас.</p> <p>Шу боис, Ўзбекистоннинг мазкур индексдаги ўрнини яхшилаш мақсадида Адлия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура томонидан Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Жиноят кодексига (зарур ҳолларда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси) “Ишга қабул қилишдаги ва ишдаги жинсий зўравонлик” бўйича алоҳида модда киритиш бўйича ўрганиб, хулоса бериши таклиф этилади.</p> <p>3. Меҳнат шароитлари (Меҳнатга ҳақ тўлаш) индикатори (25 балл): (Масъул: Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги)</p> <p>Мазкур индикаторда 4 та саволдан 1 тасига</p>
--	--	--	---

		<p>ижобий баҳо берилиб, 25 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қонунда тенг қийматдаги иш учун тенг ҳақ тўлаш кўзда тутилганми? - Йўқ. - Аёллар эркаклар каби тунда ишлай оладими? – Ха. - Аёллар эркаклар каби хавфли ҳисобланган ишларда ишлаши мумкинми? - Йўқ. - Аёллар эркаклар каби ишлаб чиқаришда ишлай оладими? – Йўқ. <p>Ушбу 3 та салбий баҳоланган саволлар бўйича Ўзбекистон қонунчилигида тегишли норма ва жазо белгиланган. Жумладан:</p> <p>а) “Қонунда тенг қийматдаги иш учун тенг ҳақ тўлаш кўзда тутилганми?” деган саволга “Йўқ” жавоби берилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 28 октябрда қабул қилинган янги таҳрирдаги Меҳнат кодексининг 244-моддасида “Тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш” назарда тутилган.</p> <p>б) “Аёллар эркаклар каби хавфли ҳисобланган ишларда ишлаши мумкинми?” ва “Аёллар эркаклар каби ишлаб чиқаришда ишлай оладими?” деган саволларга ҳам “Йўқ” жавоблари берилган.</p> <p>Меҳнат кодексининг эски версиясида аёллар меҳнатини чеклаш бўйича алоҳида “225-модда. Аёллар меҳнатини қўлланиш тақиқланадиган ишлар” модда белгиланган эди.</p> <p>Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига мазкур модда номи “393-модда. Аёллар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича қўшимча чоралар” номига ўзгартирилиб, Иш берувчи тегишли ташкилотларнинг тавсияларни инобатга олиб, ноқулай меҳнат шароитларига эга</p>
--	--	---

		<p>бўлган, аёлларнинг меҳнатидан фойдаланиш чекланадиган айрим ишлар рўйхатини белгилашга ҳақлилиги белгиланди. Яъни аёллар меҳнатини тақиқлаш бўйича мажбурий норма олиб ташланиб, ихтиёрийга ўзгартирилди.</p> <p>4. Никоҳ индикатори (80 балл): (Масъул: Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси) Мазкур индикаторда 5 та саволдан 4 тасига ижобий баҳо берилиб, 80 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Қонун турмушга чиққан аёлнинг эрига итоат қилишини талаб қиладиган қоидалардан холими? – Ҳа. - Аёл киши эркак каби оила бошлиғи бўлиши мумкинми? – Ҳа. - Оилавий зўравонликка қарши аниқ қонунчилик мавжудми?– Йўқ. - Аёл киши эркаклар каби ажрашиш қарорини қабул қила оладими? – Ҳа. - Аёл киши эркаклар каби қайта никоҳ қуриш ҳуқуқига эгами?– Ҳа. <p>Ушбу 1 та салбий баҳоланган савол бўйича Ўзбекистон қонунчилигида тегишли нормалар этилган. Жумладан:</p> <p>а) “Оилавий зўравонликка қарши аниқ қонунчилик мавжудми?” деган саволга “Йўқ” жавоби берилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикасининг 12.04.2023 йилдаги “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-829-сон Қонунига мувофиқ Жиноят кодекси “1261-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик” ҳамда Маъмурий жавобгарлик кодекси “592-модда. Оилавий (маиший) зўравонлик” моддалари билан</p>
--	--	---

		<p>тўлдирилди.</p> <p>5. Ота-оналик қилиш индикатори (60 балл): (Масъул: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги)</p> <p>Мазкур индикаторда 5 та саволдан 3 тасига ижобий баҳо берилиб, 60 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Оналарга 14 ҳафтадан кам бўлмаган ҳақ тўланадиган таътил берилдими? – Ха (126 ҳафта). - Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини 100% Ҳукумат тўлайдими?– Йўқ. - Оталар учун ҳақ тўланадиган таътил берилдими?– Йўқ. - Бола парвариши учун ҳақ тўланадиган таътил борми? – Ха (674 кун). - Ҳомиладор аёлларни ишдан бўшатиш таъқиқланганми? – Ха. <p>Ушбу 2 та салбий баҳоланган саволлар бўйича Ўзбекистон қонунчилигида тегишли нормалар белгиланган. Жумладан:</p> <p>а) “Ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини 100% Ҳукумат тўлайдими?” саволига “Йўқ” жавоби берилган.</p> <p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-175-сон Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 сентябрдаги 515-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича ҳомиладорлик ва туғиш нафақасини тайинлаш ҳамда тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом”га асосан ходимнинг фарзанди туғилгунга қадар минимал истеъмол харажатларининг 4 баравари миқдорида нафақа тўланиши белгиланди.</p> <p>б) “Оталар учун бола парвариши учун ҳақ тўланадиган таътил берилдими?” деган саволга “Йўқ” жавоби берилган.</p>
--	--	---

		<p>Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 401-моддаси “Ўн икки ёшга тўлмаган болаларнинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) бериладиган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил”га мувофиқ ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боланинг ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногиронлиги бўлган боланинг ота-онасидан бирига (ота-она ўрнини босувчи шахсга) ҳар йили давомийлиги камида тўрт календар кун бўлган ҳақ тўланадиган қўшимча таътил берилиши белгиланган. Шунингдек, 405-моддаси “Бола икки ва уч ёшга тўлгунга қадар парваришlash учун бериладиган таътиллар”га мувофиқ болани парваришlash учун бериладиган таътиллardan боланинг отаси, бувиси, буваси ёки болани амалда парваришлайётган бошқа қариндошлари ҳам тўлиқ ёки уни қисмларга бўлиб фойдаланишлари мумкинлиги белгиланган.</p> <p>6. Тадбиркорлик индикатори (100 балл): (Масъул: Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги)</p> <p>Мазкур индикатор бўйича муаммо йўқ, 4 та саволдан 4 тасига ижобий баҳо берилиб, 100 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Жинси бўйича кредит беришда тўсқинликлар Қонун билан чекланганми? – Ҳа. - Аёллар эркаклар каби шартнома имзолай оладими?– Ҳа. - Аёллар эркаклар каби бизнесини рўйхатдан ўткази оладими?– Ҳа. - Аёллар эркаклар каби банкда ҳисобрақам очиб оладими?– Ҳа. <p>7. Мулкка эгалик қилиш индикатори (100 балл): (Масъул: Адлия вазирлиги)</p> <p>Мазкур индикатор бўйича муаммо йўқ, 5 та саволдан 5 тасига ижобий баҳо берилиб, 100 балл</p>
--	--	--

		<p>берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Аёллар ва эркаклар кўчмас мулкка эгалик қилиш бўйича тенг ҳуқуқлими? - Ҳа. - Ўғиллар ва қизлар ўзларининг ота-оналарининг мулкларига меросхўрлик қилишда тенг ҳуқуқлими?– Ҳа. - Аёллар ва эркакларнинг тирик қолган турмуш ўртоқлари мулкни мерос қилиб олишда тенг ҳуқуқлими?– Ҳа. - Қонун эр-хотинларга никоҳ пайтида мулкка нисбатан тенг маъмурий ваколат берадими?– Ҳа. - Қонун пул бўлмаган бадалларни бағолаш кўзда тутилганми?– Ҳа. <p>8. Пенсия индикатори (50 балл): (Масъул: Молия вазирлиги ҳузуридаги Пенсия жамғармаси)</p> <p>Мазкур индикаторда 4 та саволдан 2 тасига ижобий баҳо берилиб, 50 балл берилган. Хусусан:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Аёллар ва эркакларнинг тўлиқ пенсияга чиқиш ёши бир хилми? – Йўқ (Эркаклар 60, Аёллар 55 ёш). - Аёллар ва эркакларнинг тўлиқ бўлмаган пенсияга чиқиш ёши бир хилми? – Йўқ (Эркаклар 60, Аёллар 55 ёш). - Аёллар ва эркаклар учун мажбурий пенсияга чиқиш ёши бир хилми?– Ҳа (60 ёш). - Бола парваришlash таътилида бўлган давр пенсияни ҳисоблашда ҳисобга олинадими?– Ҳа. <p>Баҳо қўйилмаган ушбу 2 та савол айрим Осиё давлатларида ҳам баҳоланмаган.</p> <p>Чунки, кўплаб МДҲ давлатларининг Пенсия тизимида эркакларга нисбатан аёлларнинг эртароқ ёшда пенсияга чиқиш ҳуқуқи устувор этиб белгиланган. Мисол учун, Жаҳон банкининг мазкур индекс бўйича ҳисоботларига кўра, пенсияга чиқиш Қозоғистонда аёллар – 60,5, эркаклар – 63 ёш;</p>
--	--	--

			<p>Қирғизистонда аёллар – 58, эркеклар – 63 ёш; Россияда аёллар – 56,5, эркеклар – 61,5 ёш этиб белгиланган.</p> <p>Мазкур индикаторни яхшилаш юзасидан таклиф: Рейтингнинг ушбу индикатори бўйича юқори балл олган давлатларнинг пенсия тизими ўрганилганда, деярли барча ривожланган давлатларда аёллар ва эркекларнинг пенсияга чиқиш ёши бир хил этиб белгиланган.</p> <p>Шу боис, Ўзбекистонни “Аёллар, бизнес ва ҳуқуқ” индексидаги ўрнини яхшилаш мақсадида Молия вазирлиги томонидан аёллар ва эркекларнинг пенсияга чиқиш ёшини бир хил қилиш бўйича ўрганиб чиқиб, хулоса бериши таклиф этилади.</p>
72.	<p>“Гендер тенгликка эришиш ҳамда қишлоқ аёллари ва қизлари имкониятларини кенгайтиришдаги муаммолар ва имкониятлар” мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш.</p> <p>1. Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш.</p> <p>2. Ташкилий қўмита томонидан:</p> <ul style="list-style-type: none"> – Конференция концепсияси, кун тартиби ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш; – Конференцияни ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш. <p>3. Конференцияни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш.</p> <p>4. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш.</p>	июн	<p>Жорий йилнинг 20-июн куни Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва “Оила ва хотин-қизлар” илмий-тадқиқот институти томонидан “Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари: жорий ҳолат ва истиқбол” мавзусида илмий-амалий конференция ўтказилди.</p> <p>Конференциянинг мақсади – Ўзбекистонда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалалари, ижтимоий-сиёсий жараёнларда аёллар дуч келаётган муаммоларни муҳокама қилиш, уларни тизимли бартараф этиш учун илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. Анжуманда хотин-қизларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги иштироки даражасини яна-да ошириш масалалари муҳокама қилиниб, унда “Ўзбекистонда хотин-қизларнинг таълим ва илм-фан соҳасидаги ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишнинг акмеологик хусусиятлари”, “Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни”, “Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг ўрни”, “Жамиятда хотин-</p>

			<p>қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш механизмларини такомиллаштириш”, “Жамиятда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишда хорижий тажриба” мавзулари муҳокама қилишди, маърузалар асосида хулоса, таклиф ва тавсиялар берилди.</p> <p>Конференсияда Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ва унинг тизимидаги “Оқида аёллар” ҳаракати аъзолари, институт ходимлари, илмий методологик кенгаши аъзолари, докторантлар, олий таълим муассасаларининг хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳатчилар, сиёсий партиялар, ва бошқа ҳамкор ташкилотлар вакиллари, гендер соҳаси экспертлари иштирок этди</p>
73	<p>Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни олий таълим олишлари учун яратилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишларида уларга кўмаклашиш.</p> <p>1. Мамлакатимизда хотин-қизларга уларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тарғибот ишларини режа-график асосида маҳаллабай ташкил этиш.</p> <p>2. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда хотин-қизларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича имтиёзларни кенг тарғиб этиш.</p> <p>3. Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларни олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан тавсиянома бериш комиссияси фаолиятига кўмаклашиш.</p> <p>Комиссия томонидан Қўмитага юборилган талабгорларнинг рўйхатлари асосида тавсияномаларни тасдиқлаш.</p>	июн	<p>Мамлакатимизда хотин-қизларга уларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича берилган имтиёзлар, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида” 2022-йил 9-июндаги 322-сонли қарори ҳақида жойларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.</p> <p>Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023-йил 21-апрелдаги 40-сонли буйруғи қабул қилиниб, барча туман (шаҳар)ларда олий таълим муассасаларига кўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш амалиёти йўлга қўйилди.</p> <p>Хусусан, туман (шаҳар)ларда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича Ишчи гуруҳлари таркиби тасдиқланди.</p> <p>Мазкур ишчи гуруҳлар фаолиятини</p>

		<p>мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга услубий-амалий кўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи шакллантирилди ва ҳудудларга масъул этиб бириктирилди.</p> <p>Жорий йилда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган, лекин олий маълумотга эга бўлмаган, ўрта махсус ёки профессионал таълим муассасаларини тамомлаган 12 563 нафар талабгор томонидан тавсиянома олиш учун аризалар доимий яшаш ёки вақтинча рўйхатда турган жойидаги туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига тақдим этилди.</p> <p>Талабгорларнинг аризалари Низомда белгиланган талабларга мувофиқлиги ўрганилиб, хотин-қизлар.уз электрон платформасига киритилди.</p> <p>Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан мазкур аризалар Низом талаблари асосида (ўрта махсус ёки профессионал таълим бўйича мутахассисликка эга бўлиши, тавсиянома олгунга қадар олий таълим олмаганлиги ёки олмаётганлиги, ўрта махсус ёки профессионал таълим мутахассислиги бўйича камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлиши) кўриб чиқилиб, 11 993 нафар талабгорга тавсиянома беришга тавсия этиш ҳамда 558 нафар талабгорга тавсиянома бериш рад этиш тўғрисидаги баённомалар тегишли қарорлар билан расмийлаштирилиб, электрон шаклда Оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Оила ва хотин-қизлар қўмита томонидан мазкур ҳужжатлар асосида қўмитанинг 2023-йил 14-июндаги 61-сонли буйруғи билан 11 992 нафар талабгорларга тавсиянома берилди.</p> <p>Қўмитанинг мазкур буйруғи хотин-қизлар.уз электрон платформасига туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига талабгорни хабардор қилиш учун юборилди.</p>
--	--	---

			<p>Шунингдек, Ишчи талабгорларнинг мобил телефон рақамига тавсиянома беришга тавсия этилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилди.</p> <p>Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотлар Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023-йил 15-июндаги 01-01/275-сонли хати билан Олий таълим ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига киритилди.</p>
74.	<p>Эҳтиёжманд оилалардан бўлган хотин-қизларни олий таълимга олишлари учун яратилган имкониятлардан тўлақонли фойдаланишларида уларга қўмаклашиш.</p> <p>1. Мамлакатимизда хотин-қизларга уларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича берилган имтиёзлар ҳақида тарғибот ишларини режа-график асосида маҳаллабай ташкил этиш.</p> <p>2. ОАВ ва ижтимоий тармоқларда хотин-қизларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича имтиёзларни кенг тарғиб этиш.</p> <p>3. Ижтимоий эҳтиёжманд оила вакиллари, етим ёки ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган талаба хотин-қизларнинг олий таълим олишини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан тавсиянома бериш комиссияси фаолиятига қўмаклашиш.</p> <p>Комиссия томонидан Қўмигага юборилган талабгорларнинг рўйхатлари асосида тавсияномаларни тасдиқлаш.</p>	июл	<p>Мамлакатимизда хотин-қизларга уларнинг олий таълим олиш имкониятларини кенгайтириш бўйича берилган имтиёзлар, шу жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020-йил 23-июндаги 402-сонли қарори ҳақида жойларда тушунтириш ва тарғибот ишлари олиб борилди.</p> <p>Шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқлар орқали хотин-қизларга яратилган имкониятлар бўйича қатор чиқишлар ташкил этилди.</p> <p>Юқорида қайд этилган асор ижросини таъминлаш мақсадида Қўмитанинг 2023-йил 26-майдаги 51-сонли буйруғи қабул қилиниб, барча туман (шаҳар)ларда олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш амалиёти йўлга қўйилди.</p> <p>Хусусан, туман (шаҳар)ларда эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларга тавсиянома бериш масаласини кўриб чиқиш бўйича туман (шаҳар) Ишчи</p>

		<p>гуруҳининг таркиби тасдиқланди.</p> <p>Мазкур ишчи гуруҳлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш ҳамда уларга услубий-амалий кўмаклашиш бўйича Республика ишчи гуруҳи шакллантирилди ва ҳудудларга масъул этиб бириктирилди.</p> <p>Жорий йилда эҳтиёжманд оилалардан бўлган 50 668 нафар талабгор хотин-қизлар томонидан тавсиянома олиш учун аризалар белгиланган муддатларда хотин-қизлар.уз электрон платформаси орқали қабул қилинди.</p> <p>Туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари томонидан мазкур аризалар Низом талаблари асосида кўриб чиқилиб, 38 702 нафар талабгорга тавсиянома беришга тавсия этиш ҳамда 11 668 нафар талабгорга тавсиянома бериш рад этиш тўғрисидаги баённомалар тегишли қарорлар билан расмийлаштирилиб, электрон шаклда Оила ва хотин-қизлар қўмитасига тақдим этилди.</p> <p>Оила ва хотин-қизлар қўмита томонидан мазкур ҳужжатлар асосида қўмитанинг 2023-йил 14-июндаги 62-сонли буйруғи билан 38 702 нафар талабгорларга тавсиянома берилди, шунингдек, 11 668 нафар талабгорга тавсиянома бериш рад этилди.</p> <p>Қўмитанинг мазкур буйруғи хотин-қизлар.уз электрон платформаси орқали туман (шаҳар) ишчи гуруҳларига талабгорни хабардор қилиш учун юборилди.</p> <p>Шунингдек, талабгорларнинг мобил телефон рақамларига тавсиянома беришга тавсия этилганлиги ёки рад этилганлиги тўғрисида хабар юборилди.</p> <p>Тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар ҳақидаги маълумотлар Оила ва хотин-қизлар қўмитасининг 2023-йил 15-июндаги 01-01/274-сонли хати билан Олий таълим ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Билим ва малакаларни баҳолаш агентлигига киритилди.</p>
--	--	--

Ўзбекистонда оилаларни мустаҳкамлаш ва хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар (чора-тадбирлар)ни оммавий ахборот воситаларида ёритиш, шу жумладан халқаро ҳамжамиятга етказиш		
<p>Манфаатдор вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда “Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича Ўзбекистон тажрибаси” мавзусида халқаро аёллар форумини ўтказиш.</p> <ol style="list-style-type: none"> 1. Вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан иборат таркибда ташкилий қўмита таркибини тасдиқлаш. 2. Форум концепсияси, кун тартиби ва дастури лойиҳаларини ишлаб чиқиш. 3. Форумни ўтказиш жойи ва вақтини белгилаш. 4. Дипломатик каналлар орқали хорижий давлатларга Форумда иштирок этиш учун таклифномалар юбориш. 5. Форумни юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш. 6. Тадбирни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда кенг ёритиш. 	<p>феврал</p> <p>март</p> <p>Тадбирдан бир ой олдин</p>	<p>ИХТга аъзо давлатларнинг хотин-қизлар жамиятлари вакиллари иштирокида ташкил этиладиган давра суҳбати концепсияси ва дастури, кун тартиби, ташкилий қўмита таркиби 2022 йил 20 сентябр куни Ташки ишлар вазирлигига 02-041925-сонли хат ҳамда Инвестисиялар ва ташқи савдо вазирлигига 2022 йил 3 октябр куни 02-02/1000-сонли хат билан тақдим этилган (Ташкилий қўмита таркиби Бош вазир ўринбосари З.Махкамова томонидан имзоланган).</p> <p>Қўмита томонидан ИХТга аъзо бўлган Миср Араб Республикасида жойлашган Аёллар тараққиёт ташкилоти ва Оила ва хотин-қизлар қўмитаси билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш мақсадида Қўмита томонидан ўзаро Англашув меморандум лойиҳаси ишлаб чиқилди. 2022 йилнинг 20 сентябр куни 02-041924-сонли хат билан Ташқи ишлар вазирлигига юборилди (20.09.2022 й. 02-04.924-сонли хат).</p> <p>2023 йили Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг тегишли идоралари иштирокида хотин-қизларнинг жамият ҳаёти ва давлат бошқарувидаги фаоллигини ошириш бўйича анжуман ўтказилиши бўйича маълумот берилди ва Аёллар тараққиёт ташкилоти (Women Development Organization-WDO) томонидан иштирок этувчилар рўйхати электрон манзил орқали жўнатилиши келишиб олинди. (ТИВнинг 19.12.2022й. 18-75/46859-сонли хат).</p> <p>Топшириқ ижроси муддатини узайтиришни асослантириш:</p> <p>ИХТга аъзо давлатларнинг хотин-қизлар</p>

		<p>жамиятлари вакиллари иштирокида ташкил этиладиган давра суҳбатини ўтказиш масалаларини келишиш мақсадида Оила ва хотин-қизлар қўмитаси жорий йилнинг 7-10 май кунлари Миср Араб Республикасига ташриф буюрди. Ташриф давомида Ислом ҳамкорлик ташкилоти ҳузуридаги “Аёллар тараққиёт ташкилоти” (Women Development Organization-WDO) президенти Афнан Алшуаби ва Миср Миллий аёллар кенгаши раиси ўринбосари Вафаа Бассум ҳамда вакиллари билан учрашувлар ўтказилди.</p> <p>Учрашув давомида “Аёллар тараққиёт ташкилоти” (Women Development Organization-WDO) президенти Афнан Алшуаби ва Миср Миллий аёллар кенгаши раис ўринбосари Вафаа Бассум томонидан мазкур форум 2023 йил ноябр ойининг охиригى ўн кунлигида ўтказиш таклифи берилди (2023 йил 11 май 01-01/210-сон хати).</p> <p>Ташриф якуни таклифлари ҳамда мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнларни инобатга олган ҳолда, мазкур топшириқ ижро муддатини 2023 йил ноябр ойининг охиригى ўн кунлигига қадар узайтириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясига таклиф киритилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 23 май 06/1-2187-сон хати)</p>
--	--	--